Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

13 (907) сон
19 — 25 март 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat.uz

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ



3

## МАРАЙМАМАТ ТОҒАНИНГ ЮЗИНИ ЕРГА ҚАРАТМАЙМАН!



4



7

АЛЛА АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?

ТАНЛАГАНИНГИЗ СИЗГА МУНОСИБМИ?



24

# НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



Одамзот учун энг буюк муаллим табиатнинг ўзидир. Ҳар йил Наврўз келганда табиат бизга уйғониш ва янгиланиш фанидан дарс беради. Уйғоқ қалб биргина майсанинг ниш уришида ҳам улуғ мўъжизаларни кўриши мумкин. Чунки, шу жажжигина ҳодиса ҳам бутун коинот ҳаракати билан боғланган. Наврўзни бутун оламнинг Мувозанат куни деб атасак бўлади.



ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Диққат! Янги ижодий беллашув 2

Мени кечир, кечиролсанг... 5

«Туя ничалли, ёвури шунчалли»нинг маъносини шарҳлайдиган аёл 6

Теледастурлар 8-10

Қиз болага «Уй дафтари» керакми? 20

Адашган Адашойнинг ҳасрати 20

Навоий ёзган мактуб 21

Сумалакка кимлар чақирилади? 21

Ота-онасини кутаётган болалар 22

Музайяна Алавиянинг байрами 22

Икки дунё оралиғида 23

13 ёшли байроқдор 23

Фақат битта нарсани йўқотиб қўйишдан қўрқинг! 24

# БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

ИЗҲОР

Кўҳна тарих яна бир қадам олға силжиди. Яна одамизод кун ва тун тенглашган баҳорий эътидолга — қуёш ҳамал бурчига кирадиган кунларга пешвоз чиқди. Тарих саҳнасига янги йил, янги кун кириб келди.

Қишнинг оппоқ кўрпалари аллақачон чок-чокидан сўкилди. Аллақачон майсалар гилами қиру адирларни безади. Болакайлар «Бойчечагим бойланди»ни куйлаб, кўчама-кўча кириб чиқишаётир.

Қариялар етказганига шукур айлаб, илк баҳор чечакларини кўзларига суртишяпти. Одамларнинг оғзи кўк таомларга етди. Дарё бўйлари сават кўтарган болаларга тўлиб кетди. Уларнинг шодон қийқириқлари оламни тутди: **Ялпиз, ялпиз.**

Ана, ўрик шохларидаги митти гуллар баҳор шабадасида оҳиста тебраниб-тебраниб тўкиляпти. Булут қаҳрини кесиб жилмаётган офтобга олчалар оппоқ гулларини тутмоқда. Олмалар кўксини ёриб, куртаклар буртияпти.

Онажонларга ҳам эрмак топилди. Буғдой кўки ўғирларда туйилди. Сизғириб дошқозонларга солинди. Сумалакнинг вақир-вуқур қайнашига доираю ноғоранинг овози жўр бўлди. Қизу жувонлар рақсга тушдилар. Сумалак кавлаш учун қўлига капгир олган ёшу қари аввал дилидагини тилига туширди: ЭЛ ШОД БЎЛСИН, МАМЛАКАТ ОБОД!

Тонг азондан болакайлар чопқиллаб-чопқиллаб қўшниларга Наврўз таомларини улашадилар: **сумалак-сумалак.**

Кексалар эса янги кунга етиб келганлари учун Оллоҳга ҳамду сано айтадилар: **Бу кунларга етганлар бор...**

Ҳа, кўнгилларда баҳор ифори уфурмоқда. Табиатнинг ўзи Наврўзнинг ташрифини кўклам аталмиш тўёнаси билан қарши олмоқда. Баҳорой олтин сандиғини очиб, бисотини кўз-кўз айламоқда, сепини ёймоқда. Майин-майин шиғалаб ёғаётган ёмғир ҳам, гоҳ жамолини кўрсатиб, гоҳ булутлар ортига беркиниб олаётган офтоб ҳам, хуллас, табиатнинг ўзи фалакиёт илмига баробар тушган Шарқ тақвимининг ҳаётийлигини, илмийлигини, оламга Йилбоши кириб келаётганини айтиб бораётгандек.

Қалдирғочлар чарх уриб учмоқда. Қурт-қумурсқалар аллақачон ғимирлаб қолган. Қиш уйқусидан керишиб турган она замин мудроғини ёзган. Ариқ-зовурлар тозаланиб, боғлар тартибга келган. Дарахтларга шакл берилган. Деҳқон қўлига кетмонини олган. У яна қадоқ қўллари ила аҳли фуқарони тўйинтиришга чоғланган. Меҳржондан Наврўзгача етиб келган карсиллаган узумлар, эндигина дарахтдан узилгандай товланаётган олмалар, анорлар шу қадоқ қўллар маҳсули ахир.

Деҳқон қўлига кетмон олдими, демак, яна тадорик бошланди. Демак, у яна элга ризқ-рўз, насиба улашади. Бўлғуси ҳосилга замин яратади.

**Лола ЎРОҚОВА**






## ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитасида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш давр талаби: журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзоларидан, депутатлар А.Эшмуродов, О.Ўсаров, Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Ф.Мўминовларнинг маърузалари тингланди. Уларда асосан бугунги замонавий ўзбек журналистикасининг ривожланиш жараёнларида қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ва уни амалда қўллашда ОАВга қўйиладиган талаблар, шунингдек, журналистнинг ҳуқуқий мақоми, жамият ва халқ олдидаги бурчи ва масъулияти, ахборот билан ишлашдан субъектив ҳуқуқлари ва касбий фаолияти жараёнида маҳорат ҳамда ахлоқ масалаларига эътибор қаратилди.

Маърузалар юзасидан фикр билдирганлар миллий журналистикамиз ривожига хизмат қиладиган қонунчилик меъёрларининг мазмун-моҳияти, унинг ОАВ амалий фаолиятига муштараклик жиҳатлари, журналистларнинг профессионал маҳорати ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан бажарилиши лозим бўлган долзарб масалаларга эътибор қаратдилар.

Давра суҳбатида кўтарилган масалалар юзасидан амалий таклифлар ўртага ташланди.

**Ўз мухбиримиз**

## МУМТОЗ САНЪАТ КЕЧАСИ

Қутлуғ Наврўз байрами арафасида Наманган шаҳридаги Навоий номли мусиқа ва комедия театрида Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Камолиддин Раҳимов ижодига бағишланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди. Унда ҳофизнинг шогирдлари, санъаткор ва ижодкорлар иштирок этдилар.

Бадиий-мусиқий тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоирлар Зиёвуддин Мансур, Исмоил Маҳмуд, Дилбар Ҳайдарова, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори С.Бегматов, Тошкент давлат маданият институти доцентлари Р.Носиров, М.Иноятовлар ҳофиз ижодидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида сўзладилар.

Ўз номи билан назм ва наво деб номланган кечада Камолиддин Раҳимов томонидан ижро этилган мумтоз ашула, шоирлар томонидан ўқилган шеърлар барчанинг дилини хушнуд этди.

**Миробид ЖАЛОЛ**

## ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида юртдошларимиз фаол қатнашдилар. Бу борада қашқадарёликлар ҳам кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

— Хайрия ҳашарида қатнашганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этди, — **дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Инобат Каримова.** — Айниқса фаол ва ишбилармон аёллар раҳбарлик қилаётган жамоа вакиллари, «Аёллар маркази», «Қарши мебел» масъулияти чекланган жамият жамоалари алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Шунингдек, умумхалқ тадбирда Қарши шаҳар халқ таълими бўлими жамоалари кўча ва хиёбонларни, маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига катта ҳисса қўшдилар. 30 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири**

* * *

*Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 287-мактаб ўқувчиси Шоҳсанам Муҳаммадиеванинг хабар беришича, ушбу оммавий хайрия ҳашарида «Нуробод» маҳалласи ёшлари катталар билан баб-баравар фаоллик кўрсатишибди. Юзлаб мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилгани, энг қувончлиси, шу баҳонада маҳалла-кўй, мактаб, боғча атрофлари ҳам обод бўлиб қолганини муаллиф суюниб ёзиб юборган.*

***Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.***

**ДИҚҚАТ: ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ! ДИҚҚАТ: ЯНГИ ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ!**

## “НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА”

***Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитганлар келинглар!***

***Йилбоши—Наврўзи олам ташриф буюраётган лаҳзаларда Она табиат, бутун борлиқ уйғонади, деймиз.Аслида-чи? Бундай файзиёб кунларда энг аввало, одамзот уйғонади, унинг Кўнгил отлиғ сирли дунёси кўз очади. Руҳида, юрагида покланиш, тозариш бошланади.***

***Муҳтарам юртдошлар! Авлод-аждодларимиз неча минг йиллардан бери ўзларининг энг гўзал ва эъзозли сайлларидан бири сифатида қадрлаб, нишонлаб келган Наврўз бизнинг жаннатмонанд ўлкамизда айни истиқлол йилларидагина оммавий байрам сифатида ўзининг кўҳна ва навқирон шакли-шамойили, миллий қиёфаси ҳамда шарқона мазмун-моҳиятига эга бўлди. Шу боис “Оила ва жамият” газетаси таҳририяти ҳам ушбу айём арафасида ижодкорларни “НАВРЎЗДАН НАВРЎЗГАЧА” деб номланган***

### *ИЖОДИЙ БЕЛЛАШУВ майдонига чорлайди!*

Ушбу майдонга қалами(қамчиси эмас!) чархланганлар ўзларининг **“ҚАНОТЛИ ИЛҲОМ ОТ”**лари билан тушиб, мардона курашадилар. “ПУБЛИЦИСТИКА”, “ШЕЪРИЯТ”, “НАСР”, “ҲАЖВИЯ” ва ниҳоят, “СУРАТ”(фото ва карикатура) деб номланган майдонларимиз сизга мунтазир.

Беллашув шартлари қуйидагича: компьютерда А-4 формат, бир ярим интервал оралиғи, кегл14,”TimesUZ» гарнитураси, ҳажми 5 бетгача (публицистик ва насрий асарлар учун) бўлган материаллар қабул қилинади. Қўшимча тарзда ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот, бир дона10Х15 ҳажмли фотосурат илова қилинг. Материалларни газетамизнинг электрон манзили ҳамда почта орқали юборишингиз мумкин. Сезиб турибмиз, табиийки, совринларга ҳам қизиқаяпсиз.

**Ғолибларга:**
- **ТЕЛЕВИЗОР**
- **DVD ПЛЕЙЕРЛАР**
- **ҚЎЛ ТЕЛЕФОНЛАРИ**
- **ФОТОАППАРАТЛАР**
- **РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ мукофотлар берилади.**

*Шунингдек, «Оила ва жамият» саҳифаларида эълон қилинган энг яхши публицистик, насрий ва шеърий, фото ҳамда карикатура асарлари таҳририят ҳисобидан 2010 йилда китоб ҳолида чоп этилади.*

*Барча жанрлардаги материалларни қабул қилиш муддати 2009 йилнинг Наврўзидан 2010 йилнинг Наврўзигача.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 233-28-20, 233-04-35.**

**Наврўз аслида дунёнинг энг кекса байрами, лекин у ҳар йили оламга ёш ва янги кун сифатида кириб келади. Нафақат у йилнинг янги куни, балки орзуманд кўнгилларнинг ҳам янги кунидир.**

# ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Йиллар ўтаверар, ортга қайтмайди. Тонгларни соғиниб яшайвераман. Илдамлайверади умр карвони. Бир лаҳза тин олмас юрак мисоли. Гоҳ сезиб , сезмаймиз дардни, давони. Тақдир ёзиғини айтиб, айтмайди. Тирикликнинг гўё ҳукми, шарти шу; гоҳо ўз-ўзидан узоқлашар жон. Қалбингда нелардир ғимирлайди-ю енгиб чиқмоқликка топмайди имкон. Кўнгил дарчаларин оҳиста чертиб, уйғотиб келасан ҳар баҳор, Наврўз! Дилларнинг ғуборин бир-бир аритиб, юракдан сўз сўраб келасан, Наврўз!

Энг олий туйғуга ошно этасан, сўроқлай бошлайди кўнгулни кўнгул: одам бўлиб нега улгурдик кеча? Кимга бир ширин сўз айтолдик лоақал. Кимдир кечмишларин ичга ютганча, изҳорига биздан сездими малол. Хуш амалга қачон чўза олдик қўл? Орланиб безмасми ортдаги излар. Қай манзилга қандай олаяпмиз йўл? Бугуннинг олдида ёруғми юзлар? Сўнгги оҳлар дилни тилкаламасми, яшамоқнинг бу тор йўлкаларида. Армон умрларни яраламасми, бу икки эшикнинг ўрталарида. Ташрифинг шундайин имтиҳон этиб, диллардан дилларга элчи йўллайди. Элу элатларнинг баридан тутиб, Оламу одамга бахтлар сўрайди.



Кўклам насимлари эркалай бошлар, куртак отган дарахт новдаларини. Қишнинг озоридан толиққан япроқ. Сенинг йўлларингга отар ўзини. У қовжираб толган куз мўъжизаси, Ҳатто қаҳратонда сенга талпинган. Сен шундай умидсан, кўҳна табиат нафасингдан янги дунёлар излар.Сувлар оқаверар жимир-жимирлаб. Кунларим ўтади, қайта бу кун йўқ! Муҳаббат кўмилар сир сотмас бўлиб.

Наврўзим, Сен фақат қайтаверасан. Абадий бир қўшиқ айтаверасан. Бир куйни чаласан, бу сирли оҳанг, ҳақиқат аҳлининг дил дорисидир. Номингни янги йил, янги кун атаб, рўшноликлар кутган эл орзусидир. Оппоқ яктагининг этакларидан ҳикматлар ёғилган бобомсан , Наврўз! Боласига жону жаҳонин берган Момоларга момо, момомсан, Наврўз! Қара, чор-атрофинг гулга бурканган, бу ризқу улуғлик нишонасидир. Ўзбекистон деган онажон диёр. Асли жаннатларнинг остонасидир. Жилмайиб мўралар бобо қуёшинг. Қушлар чуғуридан сармаст бўласан. Кимдир эшигимни қоқиб келади, сенинг саломингни айтиб келади. Кимларни йўқламоқ истайди дилим. Яқинлар дийдорин қўмсай бошлайман. Момомнинг қабрига чечаклар сочиб. Онамнинг бағрига чорлайсан, Наврўз! Кимгадир ҳадялар қилмоқ истайман. Қўшнимга насиба узатар қизим. Билмабман, ташвишга қоришиб кетиб, баъзида йўқотиб қўйибман ўзим. Сергак торттирай деб сумалакларнинг, атрофига элни жамулжам этдинг. Юракларга айтиб каломларингни, боғу боғчаларда меҳрни кутдинг. Муҳаббатдан яшнаб кетди даладашт. Унутилди гина, минг бир адоват. Ахир одамизот неларга қодир? Ғамни унуттирди хайру саховат. Елкадошлик асли ўзбекликка хос, бошқача яшашдан кўнгил тўлмайди. Кимдир қоқилганда кимдир суяйди, Ўзбек бир-бирини шундай асрайди. Бу юртнинг қўрғони ору орият, ғурур бош эгмоққа сира қўймайди. Шундай ўз-ўзига ишонган Ватан, Танлаган йўлидан сира тоймайди. Наврўзим, гўшамга бирам ярашдинг. Қаддингга, қадрингга кўзлар қувнайди.

Чинор соясида унган майсадек, йўлингга тўшалар баҳорий ҳислар. Юртим камолига кўзмунчоқ бўлиб, юрак соқчиликка шайланиб турар. Эзгуликка эшсан, қадримсан, Наврўз! Дийдорлар жамланган бағримсан, Наврўз! Нафасингдан дашту биёбонлар ҳам, ҳаёт ишқи билан қайта тўлғанар. Гўзалликка асли ошиқ бу олам, соҳиб даврониға бўлар интизор. Она ернинг оташ ҳароратидан, жаҳонни лол этган эл яшар бунда. Янгича яшамоқ сабоғин бериб. Наврўз келаётир, шукрона тилда. Не бахтки, истиқбол йўлакларида, бугун истиқлолнинг нури сочилган. Шу нур шуъласида яшардинг, Наврўз! Бирам ўлкамизга ярашдинг, Наврўз!

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

# КАСБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

**ТАЪЛИМ**

Устозлик, мураббийлик дунёда энг ноёб ва қадрли касблардан бири, десам, янглишмайман. Айниқса, истиқлол йилларида бизнинг соҳамиз—таълим тизимида, тўғрироғи, касб-ҳунар ўргатиш ва эгаллаш соҳасида бутунлай янгича имкониятлар пайдо бўлди. Оддий мисол, бизнинг Наманган вилоятидаги исталган ҳудудга бориб, дуч келган одамдан фарзандингиз қаерда ўқияпти, деб сўрасангиз, у ҳеч иккиланмай "фалон лицей ё коллежда", дея фахрланиб жавоб беради. Ва табиийки, ўзи яшаётган қишлоқ ёхуд маҳаллада кейинги йилларда рўй берган қувонарли янгилик ва ўзгаришлар ҳақида сўзлайди.

Шу ўринда узоққа бормайин, ўзим ишлаётган Поп туманидаги педагогика касб-ҳунар коллежида амалга оширилаётган айрим хайрли ишлар хусусида тўхталадиган бўлсам, бу даргоҳда бугунги кунда 420 нафар ўқувчи тўртта йўналиш бўйича таҳсил кўраяпти. Қирқ кишилик аҳил педагогик жамоамиз, энг аввало талабаларимизнинг тарбияси ва қолаверса, билим ва касб-ҳунар эгаллашга бўлган қизиқиши устида астойдил ишлаётир. Негаки, кечагина мактабдан келган ўқувчи икки йўл орасида туради: бири бу масканга ўз кўнгил майли билан келган бўлса, иккинчиси, андак хавотир билан яъни дўсти-дугонасига эргашиб келган. Устознинг вазифаси—ўзи танлаган соҳага қизиққан шогирдидаги ҳавас ва интилишни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда ўша, иккиланиброқ турган ўқувчини тўғри йўлга сола олсагина, у ўз зиммасидаги бурчнинг бир қисмини адо этган бўлади. Аксинча, яъни хўжакўрсинга ёки кун ўтарга сабоқ бериб юрган мураббий ҳам ўзини алдайди, ҳам бола тарбиясига тескари таъсир кўрсатади.

Шукрки, бизнинг илм даргоҳимизда ўзи танлаган соҳани пухта биладиган, шогирдларининг тарбияси ва илм, касб-ҳунар эгаллашига жиддий масъулият билан ёндошадиган ўқитувчилар, устозлар кўпчиликни ташкил этади. Шу боис ҳам коллежимизда 22 та фан бўйича махсус тўгараклар фаолият кўрсатиб, амалий ва назарий машғулотлар уйғунлиги таъминланяпти. Бир сўз билан айтганда, бизнинг масканимиз ҳам илмий, ҳам ижодий кучлар майдонига айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамизнинг минг-минглаб муштарийларини, қолаверса, таълим соҳаси фидойилари—ҳамкасбларимизни ҳамда касб-ҳунар эгаллаш йўлида ўқиб, изланаётган ёшларимизни халқимизнинг умумхалқ байрами Наврўзи олам билан чин юракдан қутлаб қоламан.

**Саноат ИМОМНАЗАРОВА,**
**Наманган вилояти, Поп педагогика касб-ҳунар коллежи директор ўринбосари.**

# ҲАРАКАТ — МАСЪУЛИЯТГА БОҒЛИҚ

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Аёлнинг кўзига ҳеч нарса: шунча машаққатлар чекиб қурилган данғиллама уй ҳам, ундаги қимматбаҳо жиҳозлар ҳам кўринмай қолди. Ўн йил бир ёстиққа бош қўйган эрининг бошқани деб уни, болаларини ташлаб кетиши мумкинлиги ҳеч ақлига сиғмасди.

«Эртага маҳалла фуқаролар йиғинига, кейин туман хотин-қизлар қўмитасига учрайман», деб қарор қилди у. Ҳаракати зое кетмади. Маҳалла-кўйнинг аралашуви, оқсоқоллару ҳар икки томон ота-оналарининг панд-насиҳатлари, қолаверса, туман хотин-қизлар қўмитасининг тўғри йўл-йўриқ кўрсатгани туфайли барбод бўлишига бир баҳя қолган оила қайтадан тикланди...

—Оилада мувозанатни тўғри сақлаш кўпроқ аёлга боғлиқ, деб ўйлайман. Қандайдир сабаб билан ёнимизга кўмак сўраб келган ҳар бир аёлнинг тарози палласини тўғри тутиши учун руҳан қўллаб-қувватлаш лозим, — **дейди Шофиркон туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳзода Остонова.** — Асосий вазифаларимиздан бири — аёлнинг ўз қатъияти ва иродасига нисбатан ишончини мустаҳкамлаш.

Дарҳақиқат, мазкур қўмитанинг аҳоли ўртасида оилани мустаҳкамлаш борасидаги ишлари самарасиз кетмаяпти. Туман бўйича никоҳдан ажралиш олдинги йилдагидан кўра 4 тага, оталикни белгилаш кўрсаткичи эса 25 тага камайди. «Бандлик-2008» дастурига мувофиқ, хотин-қизлар учун режадагидан 132 та кўп — 1661 та иш ўрни яратилди. Бунга янги корхона, цехлар ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, уй меҳнати ва касаначилик ҳисобидан эришилди. Айни пайтда «Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш» марказлари ишини йўлга қўйиш учун қўмита дастлабки ишларни бошлаган. Дўрмон, Денав, Вардонзе ҳудудларида 3 та шундай марказ ташкил этилади ва бу ерларда аёллар учун 100 та қўшимча иш ўринлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Шофирконда бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, билим ва малакасини ошириш, сайлаб қўйиладиган вакиллик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш, кўп жиҳатдан жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятига боғлиқ. Мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш бўйича туман хотин-қизлар қўмитасининг: «Аёлларнинг ижтимоий социал фаоллигини ошириш», «Аёлларни иш билан таъминлаш», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» ҳаракат дастурлари тузилиб, уларнинг ижроси таъминланди. Диний, маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаётий тажриба-ю махсус маълумотга эга бўлган кадрлар танланиб қўйилди. Бу маслаҳатчиларнинг йиллик, ойлик, кундалик иш режалари мавжуд бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини яхшилаш, аёллар ўртасидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, тўй-маърака, таъзия маросимларини меъёрида ўтказишга қаратилган туман маркази ва қишлоқларидаги маҳаллаларда «Аёл — оила таянчи», «Қуш уясида кўрганини қилади», «Санамлар сарвари», «Соғлом она — соғлом бола», «Қайнона ва қайнота — оила таянчи» каби мавзуларда семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Шу билан биргаликда аёллар ва ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик, жиноятчилик, фоҳишабозлик, ўз жонига қасд қилиш сингари ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги 37 та маҳалла, 12 та қишлоқ фуқаролар йиғинида оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, мактаб раҳбарлари иштирокида «Огоҳлик — давр талаби», «Аёл ва дин» каби мавзуларда учрашувлар ўтказилди.

Туманда ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 145 нафар тадбиркор аёлга 265 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Бугунги кунда Дилрабо Намозова, Ҳилола Тўқсонова, Муҳаббат Қўчқорова, Мақсуда Шарипова каби ишбилармон аёллар юзлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаб, уларнинг оиласи фаровонлигига ҳисса қўшишаяпти.

**Моҳигул НАЗАРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ГУРУНГ



«ҚАЛПОҚ»

ҳажвий кўрсатуви актёри Раҳмонали СУРОБОВ:

# МАРАЙМАМАТ ТОҒАНИНГ ЮЗИНИ ЕРГА ҚАРАТМАЙМАН!

**— Кейинги пайтларда телеэкран орқали жуда кўп ҳажвий кўрсатувлар намойиш этила бошланди. Улар орасида «Қалпоқ»нинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Биласиз, барибир ҳажвий кўрсатувлар орқали мухлислар назарига тушиш осон эмас. Тўғрими?**

— Институтни тамомлаб, ўзбек давлат циркида қизиқчилик қилиб юрардим. Пекинда бўлиб ўтган масхарабозлар конкурсида иштирок этиб, 33 та давлат орасида учинчи ўринни қўлга киритдик. Менда ўз ижодимга нисбатан ишонч пайдо бўлди ва у ёқдан келгач, бирон кўнгилочар кўрсатув тайёрласак бўлмасмикан, деган ўй ўтди хаёлимдан. Ва уч-тўрт кўнгилга яқин актёрларни йиғиб, мақсадимни тушунтирдим. Уларга таклифим ёқди ва кичкина жамоа пайдо бўлди.

**— Номини топиш қийин бўлмадими?**

— Очиғи, осон бўлмади. Чунки ҳажвий кўрсатувлар кўп-да. Уларнинг номлари ҳам ўзига хос. Лекин биз ҳам шундай ном қўйишимиз керак эдики, одамлар эшитса, кулмасин. Охири «Қалпоқ» деб номладик маслаҳатлашиб. Ҳаммамизга ёқди.

**— Сир бўлмаса, ролларни тақсимлаш, ижро этиш услуби қандай танланади?**

— Жуда оддий. Масалан, мени ҳозирги ҳолатимда кўплар танимайди. Агар қўлимга хўроз кўтариб, қорнимни қаппайтириб олсам, «Э, «Қалпоқ»даги тоға-ку», дейишади бирдан. Татар кампир ролини ижро этувчи Барно Тешабоева ҳам ўз образини маромига етказиб ўйнайди. Хуллас, ҳар кимнинг ўз қиёфаси, роли бор.

**— Марайммамат тоға образини ким топган?**

— Бизнинг биринчи кўрсатувимиз сценарийсини Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ёзиб берган эди. Ўшанда у киши менга ҳазиллашиб, Мараймамат деб исм қўйгандилар. Шу-шу ўзимам ўрганиб қолдим. Сал узунроғ-у, лекин, жуда чиройли чиққан-а, нима дейсиз?

**— Сизбоп-да ўзиям бу ном. Одатда актёрлар қорни катта одам образини яратишда ёстиқдан фойдаланишади. Сиз нима қўйгансиз? Ҳар ҳолда енгил эмасдир?**

— Билмадим, ўзимдан кўра, қорнимга қизиқадиганлар жуда кўп. Яқинда бир тўйда қизиқчилик қилиб турсам ҳе йўқ, бе йўқ, бир мухлис ёнимга келди-да, қўйлагимни кўтариб, қорнимни ушлаб кўрса бўладими?! Аввалига ҳазил қилиб кўрдим. Ҳеч кетмайди, денг. Кейин қизишиб кетдим. Аслида бу оддийгина пар ёстиқ. Оғирлигиниям айтайми, тўрт килограммча чиқади. Бир чақалоқ билан тенг (кулади).

**— Кўпинча хўроз кўтариб юрасизми-ей, ёки жўжалар ҳам «очиб» қоласиз. Бу образни ҳам биров ўйлаб топганми?**

— Ҳаммамизнинг ўзимизга хос «хобби»миз бор. Мен эса очиғи, хўрозга қизиқаман. Уйимда тўрттаси бор. Биттасини Хитойдан олиб келганман. Уларни ерёнғоқ, бодом бериб боқаман. Мараймамат тоғанинг хўрозга қизиқишини кўрсатувга ўзим киритганман.

**— Кўп қаватли уйда тураркансиз, аёлингизга бу «хоббингиз» малол келмаяптими?**

— Очиғини айтайми, кеннойингизнинг асосий рақиблари шулар. «Тўртта хўроз боққандан кўра битта товуқ боқсак фойдалироқ, тухум туғиб беради», деб бечораларни ҳеч чиқиштирмайди.

**— Ўзингизни қандай оталар тоифасиданман деб ҳисоблайсиз?**

— Баъзан қаттиққўлман, гоҳида ниҳоятда меҳрибон бўлиб қоламан.

**— Фарзандларингизга ўзлари сўрашса ўйинчоқ олиб берасизми ёки имконингиз бўлган пайтдами?**

— Қизим жуда эркатой. Ишдан келдим, дегунча у «дадажон»лаб атрофимда парвона бўлиб кўнглимни кўтаради. Унга ўзимга ёққан ўйинчоқларни олиб келавераман. Аммо ўғлим қачон атайлаб айтса, олиб бераман. Яқинда велосипед сотиб олайлик, деб роса бошимни қотирди. Мана, фалон пулга келган «велик»ни ўғирлатиб ўтирибди.

**— «Қалпоқ»да сиз яратган Мараймамат тоға образи табиатан тажанг, баджаҳл, аммо кўнгли бўш, ростгўй, содда одам. Адолатсизликка чидолмайди. Сиз-чи, олдингизда бировни ноўрин ҳақорат қилишса, чидаб тура оласизми?**

— Йўқ, мен иштирок этган даврада кимни бўлмасин, бесабаб кўнглини оғритишса, аввалига аския билан инсофга чақириб кўраман. Кўнмаса, «қўл жанги»га ўтиб қўя қоламан.

**— Қишлоққа ота-онангизни кўргани охирги марта қачон бордингиз?**

— Онам ниҳоятда бағрикенг, кўнгилчан, меҳрибон аёл. Бизларни отасиз катта қилган. Бир ўғил, бир қизмиз. Қишлоқдаги ҳовлимизда синглим оиласи билан яшайди. Онам биз билан бирга. Фақат ёзда Наманганга бориб, бир-икки ой туриб келади.

**— Аёлингиз билан дилдан суҳбатлашиб турасизми?**

— Бўлмасам-чи, мазза қилиб сирлашамиз. Чунки битта курсда ўқиганмиз-да. У билан бемалол ҳазиллашиб, гоҳида уйда ҳеч ким йўқ бўлса, каратэ билан ҳам шуғулланиб турамиз.

**— Шундай деяпсизу, лекин, барибир аёл кўнглининг бир четида рашк туради.**

— Тан оламан, гўзалларни кўрсам, жим ўтиб кетолмайман. Гап отгим келади. Баъзан қизларга «йигитча ҳазил»лар қилиб қолсак, саҳнадаги «турмуш ўртоғим» Ширмон опа «ўлинглар, суюлмай», деб уришиб беради. Лекин уйга келганда жиддийлашаман. Тўхтахон мени тушунади.

**— Яқинларингиз сиздан қарзга пул сўрашса, нима қиласиз?**

— Қарз беришни яхши кўраман. Чунки мен ўзим ҳаётда яқин одамларимнинг ёрдамларига кўп муҳтож бўлганман. Ёш болаларимиз билан ижарама-ижара юрган пайтларимизда бир пулдор дўстим бўларди. У билан кўпинча бирга юрардик. Менинг қандай шароитда яшашимни яхши биларди. Бозорга бирга тушсак, дунёнинг нарсасини сотиб оларди. Қарз сўрасам, турли баҳоналарни важ қилиб бермасди. Ўша пайтлари: «Пулим кўпайса одамлардан ёрдамимни аямайман» деб ният қилганман. Мана шундай кунларга ҳам етдим, худога шукур. Ҳозир қўлимдан келганича, имконим етганича таниш-билишларга ёрдам бераман.

**— Оилада жамғарилган пул кимда туриши керак, деб ҳисоблайсиз? Эркакдами ёки?..**

— Бошқаларни билмайману, аммо бизникида пул Тўхтахонда туради. Чунки у ҳақиқий иқтисодчи. Агар овқатга бирорта картошкани ортиқча арчиб қўйса, дарров уни олиб, косага солиб, сув қуйиб қўяди. Мана шундай аёлга пулни ишонмай бўладими? Лекин тўйлардан тушган пулларни кеннойингизга топширишдан олдин анчагинасини «уриб» қоламан. Хотиндан беркитиб пул ишлатиш зўр-да!

**— Сиз билан муборак Наврўз айёми арафасида суҳбатлашиб турибмиз. «Қалпоқ» мухлисларига тилакларингиз.**



— Ниятим, севимли «Оила ва жамият»газетасини қўлидан қўймай ўқийдиган эркакларнинг илоё жонлари омон, фарзандларига бош бўлсину, суюкли аёлларига ҳеч қачон бевафолик қилмасинлар. Энг муҳими, пуллари кўпайсин. «Қалпоқ»дан айрилмасинлар. Ваъда бераман сизларга, Мараймамат тоғанинг юзини ерга қаратмайман!

**Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.**

## АФАНДИНИНГ ҚАДИМ ЛАТИФАЛАРИ

Афанди бир куни йўлда кетаётиб, бир девор ортидан ошиб ўсган узум новдаларини кўрибди. Роса узум егиси келиб, девор ошиб боққа тушибди. Ўзи тўйгач, энди узумлардан узиб қопига ҳам сола бошлабди. Бир маҳал боғбон келиб қолибди ва дебди:

— Ҳой, нобакор, бу нечук ҳаракат? Бировнинг боғига изнсиз кирмоққа уялмайсанми?

Афанди айтди:

— Тақсирим, менда гуноҳ йўқ. Йўлдан ўтиб кетаётсам, бирдан қаттиқ шамол туриб, мени учириб шу боққа келтириб ташлади.

— Хўп майли, аммо узумларни узишга не ҳожат эди? – сўради боғбон. Афанди айтди:

— Шамол мени яна учириб кетай деганда, шу узумларнинг бандларидан тутиб қолдим-да, ахир.

Боғбон айтди:

— Хўп бу гапингга ҳам бовар қилдик. Бироқ узумларни қопга жойламоқдан мақсад не эди?

Афандининг жаҳли чиқди:

— Намунча мижғов бўлмасанг, ўзим ҳам шунга нима айтишни ўйлаб бошим қотиб турибди-ку. Билсанг, ўзинг айт, ахир.

* * *

Афандининг бир қўланкир хўрози бор экан. Шуни бозорга олиб чиқиб, ўн тангага сотмоқчи бўлибди. Аммо сўраб келган одамлар беш тангадан нари ўтишмабди. Шунда бир харидор чиқиб, "олти танга бераман" дебди.

Афанди айтибди:

— Ўн тангадан ками йўқ.

— Етти танга бераман, - дебди харидор.

— Ўн танга, - қатъий турибди Афанди.

Харидор, "саккиз танга", бироздан сўнг, "тўққиз танга берай", дебди. Афанди қўлини бир силтаб "Йўқ" дебди-ю... уйғониб кетибди. Қараса, на хўроз бор эмиш, на харидор. Шунда Афанди дарҳол кўзини юмиб:

— Тўққиз танга бера қол, - дебди.

## БУГУННИНГ ЛАТИФАСИ

Бир йигитга отаси деди:

— Ҳамма танишларимиз сенинг ёлғон гапиришингдан арз қиляпти. Қандай қилиб сенга ишонган одамларни алдадинг?

Ўғил елка қисиб жавоб берди:

— Қизиқсиз-а, дада. Ахир менга ишонмаган одамларни қандай алдайман...

*Ўрта аср файласуфлари «Одам кичик оламдир» дейишган. Шундай экан, инсоннинг қалби ҳам ўз баҳорларини кўриб-кечириши керак. Баҳорда баҳордай яшаш керак. Наврўз табиатни уйғотади. Табиат уйғонганда гўзал бўлади. Инсон қалби ҳам уйғоқлиги билан гўзалдир.*

# ЮРАГИМ БУ КУНЛАР САЙРЛАРДАДУР

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## ШУКУҲ

*Қай бир ошиқ дилдан эпкин елдими:*
*«Онажон, билмадим,*
*Наврўз келдими?»*

*Ёруғ ниятларнинг амалими бу?*
*Ёки тирикликнинг самарими бу?*

*Кўзимга кўз суртар малоҳат тенгсиз,*
*Онажон, бу олам бунчалар чексиз!*

*Тилагим гул бўлар қаерлардадир,*
*Юрагим бу кунлар сайрлардадир.*

*Неки армон бордир, неки орзу бор,*
*Умидлар дунёсин неки арзи бор —*

*Бари якдил бўлиб туюлар менга,*
*Ажиб тақдир бўлиб туюлар менга.*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## КЕЛИНЧАК

*Ўрик шохларига қўнган қормикан,*
*Қўлларинг хиноми ё гулгун чечак?*
*Ҳануз масрурмисан, бахтиёрмисан,*
*Бағдод боғларида қолган келинчак?*

*Кимни азиз тутиб кетдинг, азизам,*
*Кимнинг ҳароридан гулладинг, ўсдинг?*
*Бир лаҳза кўзимни кўрайин десам,*
*Киприкларинг билан кўзингни тўсдинг.*

*Бошингда дарёдек мавжланган рўмол...*
*Шамол қулоғидан тортар баргларни...*
*Шамол, учиролмай дилгирдир шамол —*
*Рўмолингга қўнган капалакларни.*

*Олам бир аламдир, сим-сиёҳ чети,*
*Алам бир оламдир энди, севарим.*
*Ўрик гулларидек сочилиб кетди*
*Кафтимдаги бир жуфт ситораларим.*

*Мени чорлайверди ёввойи кенглик,*
*Жайронлар кўзидан кўзим қамашди.*
*Сенга гуллаган боғ ярашганидек*
*Менга саргардонлик гашти ярашди.*

*Ўрик шохларини буккан қормикан...*
*Қўлларинг хиноми ё гулгун чечак?*
*Сени кўргим келар, омон бормисан,*
*Менинг тушларимда қолган келинчак...*

**Салим АШУР**

* * *

*Йиғидай самимий, йиғидай қайноқ,*
*Кулгулардай чуқур, кулгулардай кенг*
*Севгим келди Сени.*

*Гуллардан гўзалроқ,*
*Ҳаётларга тенг*
*Севгим келди Сени.*

*Сочларингга қуёш бинафшалари*
*жамалак,*
*Сочларинг бош узра хушбўй камалак —*
*Севгим келди Сени.*

*Сукунатни парча-парчалаб,*
*Кечаларни йиртиб майда-майда,*
*Кўксимни дунёга дарчалаб,*
*Дарчадан майсалар кўринган жойда —*
*Севгим келди Сени.*

*Юрагимга босиб умр тамғасин,*
*Гўзаллик ғамзасин, сафо нағмасин —*
*Севгим келди Сени.*

*Севгим келди Сени*
*Ер бўлиб.*

*Осмон бўлиб севгим келди Сени*
*Қуёшим.*

*Севгим келди...*

**Аҳмад ХЎЖА**

* * *

*Уйқудан уйғонди боғлар,*
*Дил қувон, кўклам яқин.*
*Дил қувон, кўклам яқин бўлгач,*
*Олис йўл ҳам яқин!*

*Гар олис йўл ҳам яқин,*
*Сайр айласам тоғлар ошиб,*
*Дилкаш ўртоқлар билан*
*Дийдорлашиб, бўлсам яқин.*

*Диллашиб бўлсам яқин,*
*Андуҳ кетур дилдан йироқ,*
*Меҳри дўст масрур этар,*
*Келмас кўнгилга ғам яқин!*

*Бас, кўнгилга ғам яқин келмас,*
*Бирор тонг чоғида*
*Ихтиёр этсам сафар,*
*Ки тотли кечгай дам яқин.*

*Тотли кечгай дам яқиндир,*
*Сенда хоҳиш бўлса бас,*
*Аҳмад, олисмас Шаҳанд,*
*Фарғона ҳам, Ўш ҳам яқин!*

# КЎНГИЛ

ҚАТРА

Саёҳатдан қайтаётган Аброрнинг қалбида бир олам қувонч. Пиёлага чиройли қилиб ўтқазиб олган бойчечакка тикилар экан, хаёлида Нигоранинг сиймоси гавдаланди.

— Вой, мунча чиройли бу бойчечак! Кўзларимга бир суртай. Раҳмат сизга дадажониси. Умрингиз узоқ бўлсин! Ахир, бойчечакни баҳор элчиси, тинчлик элчиси дейишади-ку! Уйимизнинг тўрига қўйиб қўямиз. Қўлимизга ушлаб суратга ҳам тушамиз.

Аброр хаёллар оғушида уйига етиб келганини сезмай ҳам қолди. Дарвоза олдида ўйнаётган етти ёшли қизчаси Наргизага кўзи тушгач, шофёрга тўхтанг ишорасини қилди.

Бойчечакни кўзларига сурта-сурта Наргиза севинганидан уй ичкарисига югурди.

— Дадам бойчечак олиб келдилар. Ойи, бир қаранг чиройлилигини!

— Дадангни топган матоси шуми? Бойчечак нон, ош бўлармиди! Бунинг ўрнига битта дурра кўтариб келмайдими? Шу тоғдаги гиёҳ совға ўрнига ўтадими?

Эндигина остона ҳатлаб уйга кирган Аброр Нигоранинг баланд овозидан ҳангу манг бўлиб қолди. Юзида пайдо бўлган муздек терни рўмолчаси билан артиб, қизчаси қўлидаги бойчечакни олди-ю, кўча томонга ирғитди.

Катта йўлни чеккасига келиб тушган бели синиқ бойчечакни челак кўтариб сувга кетаётган икки келинчак қўлига олиб, кўзларига суртарди...

**Абдусаттор ҒОФУРОВ,**
**Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги 42-мактаб директор ўринбосари.**

# МЕНИ КЕЧИР, КЕЧИРОЛСАНГ...




Сиз автобус деразасидан қараб кетаётиб, йўл ҳақида ўйлаганмисиз? Бу йўлларнинг охири бормикан? Кетаверсангиз-кетаверсангиз, уларнинг адоғига умринг етармикан? Бу йўллардан кимлар ўтди – кимлар ўтмади? Йўллар... Танимиздаги томирларга ўхшамайдими улар? Агар шундай бўлса, дунёнинг ушбу томирлари туташадиган юраги қаерда?..

Эҳтимол, ҳозир ҳам кимлардир йўлда кета туриб, газетамизни ўқиб бораётгандир. Бу яхши. Ахир қизғин суҳбат ёки газета мутолааси манзилингизни яқин қилдида. Мен эса, қачонлардир манзилимни яқин этган-у, аммо ҳануз қалбимни қийнаб келадиган бир суҳбат воқеасини баён этмоқчиман. Мақсадим, баҳорнинг инсонда бағрикенглик туйғусини уйғотгувчи хусусиятидан фойдаланиб, бир нотаниш қиздан узр сўрашдир.

Бир пайтлар қишлоқнинг соддагина боласи эдим. Йиллар мени рисоладагидек улғайтирди. Мактабни битириб, кўп қатори пойтахтга йўл олдим. Университетда таҳсил олдим. Ўқиш билан бир вақтда ишладим. Хуллас, ҳаётда ўрнимни топиб, чархланиб борардим. Энди ўйласам, фақатгина билим ва иш борасида чархланиб қолмасдан, ҳаётда ўзимни анча эркин тутишни, кимга қандай муомала қилишни ҳам қойил қиладиган бўлибман. Кунларнинг бирида ана шу – ҳар доим ўз фойдамга хизмат қиладиган муомала қобилиятим биринчи марта менга панд берди.

...Таътилга чиққач, она қишлоғимга отландим. Узоқ йўллиги боис автобусда жўнадим. Бир гўзал қизнинг ёнидаги бўш жойга ўтирдим. Ҳали ҳеч бир қиз бу даражада эътиборимни тортмагани боисми, унга ҳайрат ичра термулиб қолдим. Унинг ҳусну-жамолини ифодалаш учун, назаримда, шоир ёки рассом бўлиш ҳам камлик қиларди.

У гўзаллиги баробарида шунақа камгап эканки, Жиззахга боргунча ундан эшитганим, фақат бир марта, “илтимос, автобуснинг тепа дарчасини ёпиб юборинг”, деган жумла ва мен унинг айтганини қилгач, “раҳмат” деган сўз бўлди. Бу ширин, тиниқ ва майин овоз ҳамон юрагимда садо беради. Мен йўл бўйи унга тинмай гап отардим. У жимгина борар, баъзан сезилар-сезилмас жилмайиб қўярди. Жилмайганда янада чиройи очиларди. Исмини сўрадим, айтмади. Севгани борми-йўқлигини сўрадим, жим кетаверди. “Майли, жавоб берманг, лекин гапларимни эшитиб боринг”, — дедимда, ўзимнинг аслида ёмон одам эмаслигимга уни ишонтиришга уриндим, унингдек гўзални севишим айб эмаслигини таъкидладим. Шу вақтда ҳар қандай шоиру ёзувчилар ёзолмайдиган даражада ақлли сўзларни топиб гапиргандек бўлдим. Аҳён-аҳён унга зимдан қараб қўяман – сўзларимнинг таъсирини билмоқчи бўламан. Жим кетаётганини гапларимнинг унга маъқул бўлаётганига йўйдим.

Ҳар сафар эшак аравадек имиллайдиган автобус Жиззахга бир зумда яқинлашиб қолганига ҳайрон қолдим. Қиз ўрнидан туришга уринди. “Тушасизми?” дедим. У “ҳа” ишорасида бош силкиди. “Сизни кузатиб қўяман”, дедим. У “йўқ” ишораси билан бошини сарак-сарак қилди. “Сиздан умид қилсам бўладими?” дедим, у оҳистагина “йўқ” ишорасини қилди. Кайфиятим тушиб кетди.

Шу тобда унинг учун ҳамма нарсага тайёр эдим. “Унда менинг ҳаётим тугар экан-да”, дедим. У кулиб, “йўқ” ишораси билан бошини сарак-сарак қилди. Хурсанд бўлиб кетдим. “Демак, мен ҳам унга ёқиб қолибман”, деган фикр дилимни ёритиб юборди. У ўртадаги автобуснинг тушиш эшиги томон юра бошлади. Билдимки, Жиззахда тушар экан. Бу қизни яна кўрармиканман, қачондир яна учрашармиканмиз, деган орзиқишлар кўнглимдан кечди. Сўнгги бор бўлса-да, уни яна бир мартагина кўриш илинжида автобус деразасидан ташқарига қарадим. Қарадим-у... бутун вужудим музлаб кетди. Қиз сумкачасини елкасига илганича... оқсоқланиб борарди...

Хаёлларим тўзғиб кетди. Дилимни ўз-ўзимга бўлган маломат кемирарди. Шундоқ ҳам кўнгли ярим қизга шунча сафсата ўқидимми, дея сира ўзимни кечира олмаяпман. Йўқ, унинг ногиронлиги учун гапларимдан тониш маъносида эмас, балки қизнинг ўз аҳволидан келиб чиқиб, сўзларимни жавобсиз қолдиришидан мақсади – мени ўз ташвишига “шерик” қилишдан асраш эканлигини англаб, виждоним янада азобланарди. Зеро, унинг қалби, фикри, туйғулари ва кечинмалари қанчалар соғлом эканлиги юз-кўзларидан яққол кўриниб турарди. Бу чеҳрада маъно ва меҳр барқ урарди. Мен у билан хайрлашаётиб, умидсизликдан “энди менинг ҳаётим тугар экан-да”, деганимда, у “йўқ” ишорасини қилганлигининг ортида мен ўйлагандан бутунлай тескари маъно ётганини билиб, бир азобим минг изтиробга айланарди.

Азиз нотаниш қиз! Мен сендан ҳар куни минг бора узр сўрайман... Сенинг фаросатинг олдида ўзимнинг нотавонлигимдан қаттиқ хижолатдаман, ногиронлигинг сабаб сен ўзингни менга номуносиб кўрдинг. Аслида мен сенга муносибмидим? Ҳар куни Тангридан сенга ўзинг истаган бахтни тилайман.

**Қувондиқ СИДДИҚ**

*Бободеҳқон сўзи халқимизда азалий ва муқаддас тушунча даражасига етган. Унинг замирида одамларимизнинг ерга муҳаббати, сувга ҳурмати, зироатга меҳри яширинган. Ривоятларга кўра, ҳар йили Наврўз кунлари афсонавий Бободеҳқон уруғ экиладиган далаларни бирбир оралар экан ва у ўтган жойларга ризқ-рўз, файз ва барака ёғилар экан. Айни шу кунларда юртимиз далаларини Бободеҳқон оралаб юрган бўлса, ажаб эмас. Чунки уруғ ташланаётган жойда яхши ният бор, демакки, у жойда ривожланиш, келажак бор.*

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

# ЎЗИМИЗНИНГ ШАКАРЖОН



Уни сиз ҳам балки танирсиз, азиз газетхон! Агар телевизорда «Ахборот» кўрсатувларини мунтазам кўриб борсангиз, республикамизнинг нуфузли йиғилиш ва анжуманларида жамоа ичида ярқ этиб кўзга ташланувчи, костюмдами, кўйлакдами бўлмасин, сариқ ёки яшил сим рўмоли ўзига ярашган, мутлақо ўзига хос бу аёл, гўё фитратингиздаги ғурур тушунчасига яқин нозик бир нуқтани титратганича, кўзингизга иссиқ кўринса, ажабмас. Балким, бир кўришда уни оддийгина қишлоқ аёли экан-да, деб ҳам ўйларсиз. Аммо Шакаржон хонимни яқиндан танисангиз, барча гўзал ва мард сифатларни унда кўрасиз-у, ичидан меҳрингиз товланиб кетади. Ёзувчи Комил Авазнинг «Кўнаға» номли китобида у ҳақда шундай ёзувлар бор:

«Ҳар қандай ҳолатдаям ўзбекона либосини тарк этмайдиган, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран соддагина бу олия аёлнинг турган-битгани мақол. Баъзан каттароқ вазифадаги одамлар иши оғирлигидан нолиб зорлансалар, у:

– Туя ничалли, ёвури (яғири Р.Р.) шунчалли,– дейди.

Билҳақ, Шакаржоннинг айтимида улкан маъно бор. Туя қанчалик катта бўлса, ётиб-турганида, юк ташиганида, оёқ-қўллари, ён қоптоллари шунча кўп қирилади, яғирлари яраланиб қотиб кетади, унинг юки салдомига лойиқ-да. Биргина мақол билан ўзигаям енгил эмаслиги баробарида суҳбатдошини улуғлаб қўяди.

...Дала шийпонларида, аёллар кўпроқ йиғилган қай бир йиғинларда беихтиёр уй бекасига айланади, меҳрибонона дилидагини тўкиб солади:

*– Хамирни ярим соат зиёдроқ қориб, қаттиқ муштлаб, даминиям меъёридан оширмай тоблаб, тандирни ғўзапояда обдан оқартириб ёпган нонингизни икки томони ҳам бир текис қизариб чиқса, меҳнатингизнинг роҳатини бировга бемалол тушунтириб бера оласиз...»*

Ўзим гувоҳ бўлганим бир ҳолат, Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган бир анжуманда хоразмлик вакилларни суриштирсам, учта-тўртта машҳур аёллардан бири: «Шакаржон опанинг гуруҳини излаяпсизми? Ҳув анави қаторда ўтиришибди, яшил рўмолларини кўряпсизми?» – деб жавоб берди. Яна биттаси бўлса: «Шу Шакаржон опа, ўша рўмолдан вақтида, роса пачкалаб олиб қўйган эканлар-да, қаранг. Бутун залда битта ўзлари-я!» – деди самимий кулиб. Ҳа, у беш-олти ҳамроҳи билан танаффусдан олдинги маърузани муҳокама қилиб ўтирарди. Улар ортиқча пардозсиз, зиёли-ишбилармонларга хос сипо кийимлари, дадил нигоҳлари, ўзаги бутун фикрлари, талаффузларининг ич-ичига сингишиб кетган, райҳон тароватли нозлари, яна нималари биландир гўё, ўзбегимнинг миллий руҳиятини намойиш этаётгандай бўлардилар.

...Шакаржон опа билан вилоятдаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини ўргангандик. Мен улардан: «Ҳозирги кунда Хоразм халфалари деганда — одамлар кўпроқ тўйларни гуллатадиган қўшиқчи, ялачи аёлларни тушунишяпти. Биласиз, аслида халфалар — маърифатли аёл, устоз дегани. Турли хил маросимларни тартибли ўтказишда бош-қош бўлганлар. Ҳозирда улар хизматидан фойдаланиш қандай?» — деб сўрадим.

– Ундай халфаларимиз ҳам бор. Ҳатто уларнинг уюшмасини ташкил қилганмиз. Тўй-маъракаларни кам чиқими, маърифатли ўтказишда улар бизга бажонидил ёрдам бермоқдалар,– деб жавоб берди. Шакаржон опа, – Гапимиз қуруқ бўлмасин, деб бир неча жойлардаги тўйларга ҳам бордик, кўрдик. Пиру бадавлат онахонлар билан суҳбатлашдик. Қаерга бормайлик, Шакаржон опани момолар қизим деб, ёшроқлар эса опа деб, қучоқ очиб кутаётганидаги самимиятдан илҳомландим. Сўзлари лўнда, фикрлар аниқ, ёзувчи таърифлаганидек мақол-у, матални жойига қўйиб, қотириб гапирарди. Бирор жойда ўзини катта олиб турмаган, аёллар билан худди опаси, синглиси билан кўришгандай кўришиб, кўпчилигини исмлари билан атаб сўзлашганида хотираси-ю меҳр-оқибатига ҳавасим келган. Халфа момолар билан халфалардек оят-ҳадисдан, жаҳолатга қарши маърифатдан баҳс юритганида, «халқнинг ўти билан кириб, кули билан чиқа олиш» учун раҳбар том маънода ана шундай зиёли бўлиши лозимлигини кашф этдим. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимидан кўзланган мурод ҳам шу экан ўзи!

Суҳбат асносида унда: «Йигирма биринчи аср юртимизда аёлларнинг кийинишларига катта таъсир кўрсатди, ёшларни-ку қўятурайлик, катталар — ишбилармон аёллар, айниқса санъаткорлар жамоасида тубдан бурилишлар ясади. Сиз нега «имидж»ингизни ўзгартирмаяпсиз?» — деб сўраганимда у одатдагидек кулиб, бир қизиқ воқеани гапириб берди. Чет эллардан ҳам аёллар иштирок этадиган бир нуфузли анжуманга таклиф қилинган Шакаржон (чинми, ҳазиллашишганми, «топшириқ»қа кўра) ўша йиғинга «деловой костюм-юбка» кийиб, сочлари турмакланган, бош яланг, пошнали туфлида келиши керак экан. Ҳатто бир пайтлари Москвадаги йиғилишларга ҳам шу ўзбекона кийимларида борганмасми, ўзини «суперзамонавий» кийимда тасаввур қилолмай, роса боши қотибди. «Ростдан ҳам кимдир топширган бўлса, пулга зиқналик қилган, деб айтишмасин, деган андишада айтилган нарсаларни сотиб олиб, ўша ерга борганда бир гап бўлар, балки бир лозимандага ўтиб кетар, деб сумкага жойлабди...» Кийдингизми ахир десам, «эй, сиз сўраманг, мен айтмайин», дейди-ю хижолатли кулади...

Мен ҳам уни ўша кийимларда тасаввур қилмоқчи бўламан-у ҳеч кўз олдимга келтиролмайман. Унинг шу туришлари «қандай бўлмасин, Шакаржон Шакаржонлигича қолади», деяётгандай. Эгнида оч пушти гулли, ёқалари бўйинларини қучган, енглари, этаги узун помбарқут кўйлак, оёғида юришга қулай туфли, бошида ўзига ярашган рўмоли, чеҳрасидан нур ёғилади. Кейинчалик ҳам уни қачон ўйламай, ўша турищида кўз олдимда гавдаланади. Ичимда қолиб кетган саволлар тинчлик бермайди, у билан яна бир кўришишни, «Лачак ёки хоразмча бош ўраш», аёл дунёси, либослар тарихига оид қизиқарли суҳбатларини қўмсайман.

Кашф қилганим шуки, бир кун келиб, ҳар қандай мансаб, бойлик, мартабанинг, ҳар қандай «мода»нинг ҳам нуфузи синиши мумкин, аммо ўзлигимизни англатувчи қадриятлар қадрланар экан, миллий ғурур нуфузи ортиб бораверади.

**Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи**

ЭҲТИРОМ

# АҲИЛЛИК АЙЁМИ

— Қадим Хивада ҳам Наврўз ажиб файз, кўтаринки кайфиятда қарши олинади. Каттаю кичикка бирдай қувонч, шодлик улашадиган Наврўзи олам нафақат табиатнинг уйғониш фасли, балки инсонларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатини, қадр-қимматини оширувчи ажойиб айём ҳамдир, — дейди Дошёқ қишлоғидаги «Гулшан» маҳалласи оқсоқоли Оғаберди Ёқубов. — Шунинг учун ҳам Наврўзни бир сўз билан «Аҳиллик айёми» деб атагим келади.

Маҳалламизда 5600 хўжалик, 860 хонадон бор. Уларда 1100 оила истиқомат қилади. Кўчаларни, йўлларни, ховлилар олди, боғларимизни обод, ораста қилдик. Отаназар Матёқубов, Сейдим Сафоев, Маҳмуджон Раззоқов каби фахрийларимизнинг маслаҳатлари билан ёшлар янада ғайрат билан ишлашга, илм олишга, касб-ҳунар ўрганишга алоҳида эътибор қаратишяпти.

— Наврўз — яратувчи, бунёдкорлик фаслининг элчиси, — дейди Журён фуқаролар йиғини раиси Фарҳоджон Машарипов. — Қишлоғимизда 4 та боғ бор эди. Бу йил яна учтасини бунёд қилдик.

— Шукр, яна янги кўкламга етдик, — дейди «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи Саодатжон опа Ваисова — Ҳар йили кўни-қўшнилар, келинларим билан бирга сумалак қиламиз. Бу ажойиб таомни тайёрлаш сирлари, саноатини ёшларимизга ўргатамиз. Маҳалламизнинг ўн олти кўчасида сумалак базмлари суҳбат, ўйин-кулги билан ўтади.

— Бу байрамда ҳикмат кўп, болаларим, — дейди 93 баҳорни қаршилаган соётлик Саъдулла бобо Абдуллаев. — Одамларни бир-бирига яқинлаштиради, ҳамжиҳатлик, аҳилликни қарор топтиради, ўртадаги гина-кудуратлар йўқолади. Одамлар бир-бирининг дийдорига ошиқадилар. Не топса бирга баҳам кўрадилар, муҳтожларга ёрдам беришади. Қ.Рўзметов, О.Абдуллаевлар хонадонларида бўлган сумалак базмида ҳам худди шундай бўлди.

Кўнглимиз гина-кудурат, араздан холи, ниятимиз пок бўлса, эринчоклик, лоқайдлик булутлари кезмаса бас — ҳар кунимиз Наврўз бўлгани шу!

**Абдулла САФОЕВ, «Оила ва жамият» мухбири**




**Одам бир кунда қанча сўздан фойдаланади? Ва у ўзи ишлатаётган сўзларнинг асл маъноларини қай даражада билади? Дейлик: «Салом!» ё «Хайр» деганимизда, бу сўзларни теран ҳис этиб, гапирамизми?**

**Хуллас, одам ўзи фойдаланаётган сўзларнинг туб маъносини қанчалик чуқур билса, унинг фикрлаши, қарашлари ҳам шунчалик кенг ва барқарор бўлади. Бир нарса аниқки, инсон тафаккури аввало Она тили воситасида шаклланади. Миллат тафаккури тараққиёти асосида ҳам Она тили ётади. Демак, ундаги сўзлар моҳиятини англаш, гавҳар териш билан баробар. Зеро, сўз — гавҳардир. «Оиланинг тил сандиғи» деб номланган янги рукнимизда деярли ҳар куни ўзимиз кўп ва хўб фойдаланадиган сўзларнинг асл маъносини изоҳлаб боришни режалаштирдик.**

* * *

**«ХАЛҚ»** — бу сўзнинг биз тушунадиган «халқ» маъносидан ташқари, «яратиш», «борлиқ» деган маънолари ҳам бор. Хусусан, худонинг бир сифати бўлмиш «холиқ» сўзи «халқ қилувчи», «яратувчи» деган маънони англатади.

**«ДЕҲҚОН»** — бу сўз қишлоқ бошлиғи, бадавлат киши, тажрибакор, ишбилармон, деҳқон, иш бошқарувчи маъноларини англатган.

**«ДАВР»** — бу сўз «айлана», «теварак», «доира», «халқа», «замон», «вақт», «пайт», «муддат», «давра», «айланиш» маъноларини билдиради.

*«Эй, чарх не даврларки*
*даст эттинг,*
*Давринда муҳаббат*
*аҳлини маст эттинг».*
*(Алишер НАВОИЙ)*

**«ЁШ»** — бу сўзнинг асл маъноси «кўкат», «янги», «соф» деган тушунчаларни англатади.

**Рукнни Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

# АЛЛА АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?

АЁЛЛАР ДАВРАСИГА САВОЛ

Алла... Бу сўзни эшитишимиз билан қулоғимизда жонбахш бир овоз янграй бошлайди.

***Кўзларимга яширганим —***
***Кўзтуморим, алла.***
***Муҳаббатим оширганим,***
***Дилхуморим, алла...***

Болалар қолиб, ёши улғайганлар ҳам алла оҳангларини эшитса, ўзини сеҳрлангандай ҳис этади. Қалбини ўша оҳангларга топширади. Нега шундай? Аллада қандай сир-синоат бор? Нега гўдаги хархаша қилаётган келинчакни қайнона:

— Бағрингизга босиб, алла айтсангиз-чи! — дея ундайди.

— Бола кўрсанг, алла айтма! — дея шарт қўйишади?

Бу айтишимларнинг ҳаммасининг замирида бир ҳақиқат бор: аёл аллага энг чиройли сифатларни қўшади. Гўдакни дунёдаги энг гўзал яралмишларга қиёслайди.

***Гул ичидан танлаб олган***
***Гулу райҳоним, алла...***

Ёки:

***Юлдузим десам-да оз,***
***Кундузим десам-да оз...***

Бешикда мунчоқдай кўзчаларини ярқиратиб ётган гўдак бу сифатлар бағрида яна ҳам чиройли кўринади. Аёл ўзи айтиб, ўзи севади. Ҳар айтганида аллага қўшилиб, қалбининг нақшлари тўкилади.

Бундан ташқари, аллага онанинг армонлари қўшилади. Кимни соғинса, кимни қўмсаса, алла оҳангларида сувратланади. Кўпинча, ота-она соғинчи, жигарлар соғинчи қўшиқ бўлиб тошади.

***Оқ маржондай узилдим,***
***алла жоним, алла-ё,***
***Гулсафсардай эзилдим,***
***алла жоним, алла-ё.***
***Сочи узун қиз эдим,***
***алла жоним, алла-ё,***
***Соғинч созин туз энди,***
***алла жоним, алла...***



Бундай айрилиқ оҳангидаги аллаларни куйлаганда онанинг кўз олдида ўзи туғилиб ўсган маскан, қадрдон жойлар, жигарлари гавдаланади. Овози титрайди, қорачиқларида ёш ҳалқаланади. Аёлнинг қалбида соғинч ўлса, у қуриган дарахтга ўхшаб қолади. Унинг соғинчи алла билан боласига ўтади. Нима учун бола улғайган сайин унда: «Она юртим», тушунчаси пайдо бўлади? Жуда онасичалик бўлмаса-да, эна юртни ҳис қилади. Унга талпинади. Она ўзининг алла оҳанглари билан гўдак қалбида ўша ҳиссиётни уйғотади.

Аллада ҳикмат кўп. Она бу қадимий, сирли қўшиқни куйлар экан, ўзининг орзуларини ҳам сўзлар, оҳангларга сингдиради.

***Дарёлардай кенг бўлгин-а,***
***алла,***
***Алпомишга тенг бўлгин-а,***
***алла,***
***Чап ёғидан айланиб ўт***
***чапининг,***
***Ҳарна бўлса, ўнг бўлгин-а,***
***алла...***

Албатта, алладаги ҳар бир тилак ижобат бўлади, деган фикрдан йироқмиз. Аммо сўзнинг руҳи бор. Алла — қўшиқ шаклида айтилганда ҳис-ҳаяжонлар авж пардага чиқади. Сўздаги қувват бир мақсад — бир тарафга йўлланади. Болага бу қувват ўтмаслиги мумкин эмас.

Оналар минг-минг йиллардан буён гўдагига алла айтади. Агар фақат уни ухлатиш учунгина айтганда, олимлар бу ишни уддалайдиган машиналарми, нималарнидир ўйлаб чиқарган бўларди. Қайси одат яшаб қолса, халқ шу одатга қайтаверса, демак, у халқ ҳаётининг бир қисми бўлади. Эҳтимол, сеҳрли алладаги сир-синоатларнинг ҳаммаси ҳам кашф этилмагандир...

Она сути орқали фарзандларга Ватанга муҳаббат туйғусининг ўтишини мутахассислар далиллаб беришди. Эҳтимол, она тилида куйланган алла билан ҳам фақат она-бола орасидаги меҳр ришталари мустаҳкамланиб қолмас, балки ўша «гулу райҳон», «тол човкон» ёки «тулпор», «дарё» каби сифату отлар билан бешикдаги болага юрт сурвати кўрсатилар? Балки, алла оҳангининг ўзи онанинг юрт ҳақидаги илк мадҳиясидир? Ахир, болага айтилаётган барча сифатлаш, ўхшатишлар бегона жойнинг нарсалари эмас, шу тупроқники-ку! Балки, илк алла айтган оналар гўдагини шу қўшиқ билан Ватаннинг бир ҳаяжонли, уйғоқ, соғинчни, севинчни биладиган парчасига айлантиргиси келар.

Ҳарна бўлса-да, алла айтинг, айтаверинг... Алла тинглаб ўсган фарзандлар «ҳеч кимлик»дан узоқ бўладилар.

**Нилуфар МИРЗАЕВА,**
**Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси.**

*Наврўз нафақат куну тун тенглигидан бошланувчи, янги кун, янги йил, балки у эзгуликни таратувчи кўҳна ва навқирон байрамдир. Ушбу фараҳбахш лаҳзаларда*

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

***Барча юртдошларимизни, опа-сингилларимизни қутлуғ Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади! Наврўз меҳр-оқибат, хайр-саховат, бағрикенглик ва эзгулик байрамидир. Бу кунда ҳар биримиз кўнглимиздаги энг самимий ва гўзал туйғуларимизни бир-биримизга изҳор этамиз. Қадимда ҳам бу байрам бизнинг ота-боболаримиз томонидан ҳақиқий халқ сайли сифатида нишонланган. Шарқ халқларининг энг эъзозли шодиёнасига айланган Йилбошида нуроний кексаларимиз халқимизга тинчлик, осойишталик, аҳиллик, дастурхонимизга хайр-барака, тўкинлик тилашида ҳам ажойиб ҳикмат бор. Шундай экан, биз ҳам табиатнинг уйғониш, яшариш фаслида сизларга энг эзгу ниятларимизни тилаймиз.***

*Муҳтарам юртдошлар, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол, саодат ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!*

*Наврўзи олам муборак!*

ЭЛЕКТРОНИКАГА АЛМАШТИРИЛГАН ОҒИР БУЮМЛАРНИ ЎЛЧОВЧИ ТАРОЗИ

# ООО "ZEKI STORE"

## ELECTRONIC SCALES SYSTEM

**ТУРИ**
Бу машина умумий тарзда тўла кенгайтирилган ерда ўлчанадиган электроник машинадир. Унинг ўлчаш ҳажми 20 кг дан 60 тоннагача

**ЎЛЧАШ ҲАЖМИ ВА БАЛАНДЛИГИ**
Узунлиги: 8 метр. Кенглиги: 3.40 метр.
Кўприк баландлиги: 45 см.

**ЗАВОД МАРКАСИ ТУРИ**
STB, TS-EN 45501, TSE хизмат кўрсатади. Тарози ўзининг оғирлик ўлчаш майдонига, яъни кўпригига эга.

**КЎПРИК МАТЕРИАЛЛАРИ**
NPI500:2 рақами, PI200:20 рақами, 20 мм платина 4 рақамли. Кўприкни боғлашда 8.8 болтлардан фойдаланилган. Оғирликни ўлчаш ҳажми 130% мўлжалланган. Уни ясашда техникавий, пайвандлаш (сварка) усулидан фойдаланилган. Бўяшда махсус бўёқдан фойдаланилган. Бронт ҳажми: 30 тонна Эксплуатация нули тор. Унинг ишлаш вақтида ҳаво қулайлиги: -40°Сдан +80°С гача.

TEST CERTIFICATE It is certified by accredited institute CLASS OF CORRECTNESS C3 partition (3000 division) according to OIML R60, Class HI CLASS OF SECURITY
It is full closed by laser weld technique IP-68 (DIN 40.050), operates under water and it can be cleaned by pressurized water. SHAFT Stainless steel 17-4 PH (1.4548) INTERNAL



**SECURITY**
Stopped air contact, (Hermetric form) with lightning conductor.
**MOISTURE TEST**
The moisture test was made there is not 'NET Mark.



**CABLE QUALITY**
Elastic form, armoured. NUMBER OF LOAD CELL 4 numbers.





**WEIGHING INDICATOR**
In protected box, easy operatable, electro Many- etic tests was made, its security was provided.
**STANDARD TS-EN45501**

**TOUCH SET Membrane type**

**CALIBRATION**
Digital calibration from touch set.
**LOAD CELL FEEDING**
4-6-8 numbers load cell can be fastened
**DATA EXIT RS-232**

Тошкентдаги телефон рақами:
Моб.: +99890 318-84-41, Офис: +99871 150-12-90.
E-mail: zekisozer55@hotmail.com,
Манзил: Тошкент шаҳри, "Заркайнар" модалар уйи

Ўзининг ишлаш жараёнида IP65 ҳажмида сув ўтказмасликка қодирдир.

# КИТОБ ТУМАНИДАГИ "МАКРИТ — ЖУМАБОЗОР" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*Юртдошларимизни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади!*

*Ҳамиша мафтункор ва навқирон фасл бўлган баҳорнинг мўъжизавий айёми Наврўз халқимиз дастурхонини хайр-барака ва тўкинлик билан безашини яратгандан сўраб қоламиз. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да кириб келаётган Наврўзи Оламнинг қадамлари қутлуғ келсин!*

# ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВАКИЛЛИГИ ЖАМОАСИ

***Барча ватандошларимизни юртимизга уйғониш фасли баҳор билан ҳамнафас бўлиб кириб келаётган қутлуғ айём Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!***

## 21 МАРТ

**Азизлар, бу байрамнинг хислати кўп, фазилати бисёр.Шундай экан, Наврўз билан ҳамоҳанг, ҳамқадам бўлиб, элимизга ризқбарака улашиш тимсоли сифатида талқин этилувчи “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” барчангизга эзгуликлар, омадлар олиб келсин!**



# РЕСПУБЛИКА «БОЛАЛАР» ЖАМҒАРМАСИНИНГ КИТОБ ТУМАН БЎЛИМИ ВА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЖАМОАЛАРИ



*Халқимизнинг энг суюкли байрами— Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни, шунингдек, эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар ва болажонларимизни, мунис онахону опа-сингилларимизни чин юракдан муборакбод этади!*

*Уйғониш ва яшариш фасли баҳор—муборак Йилбошимиз халқимизга эзгулик ва меҳр-мурувват туйғуларини бахш этиб, тўкинлик ва фаровонлик олиб келишини тилаймиз.*

21 МАРТ

# КЎКЛАМ ТАШРИФИ — НАВРЎЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КИТОБ ТУМАНИДАГИ “RISLING STAR” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*Кўп миллатли халқимизнинг энг севимли ва қадрли байрамларидан бири бўлган Наврўзи олам билан ватандошларимизни чин дилдан қутлайди!*

*Истиқлол даврига келибгина ўзининг асл қиёфаси ва шакл-шамойилига эга бўлган Йилбошимиз чин маънода халқимизнинг ҳақиқий шодиёнасига айланди.*

*Қўҳна шарқда ўз номи билан “янги кун” деб аталган бу шукуҳли байрам барчангизга яхшилик, эзгулик ва меҳр-оқибат бағишласин!*

# НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

## “ESKI — JO‘VA” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



***Қадим Шарқда неча минг йиллардан бери янги кун, янги йил дея нишонланиб келинаётган умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан барча юртдошларимизни самимий табриклаймиз!***

***Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!***

## “ҚЎЙЛИҚ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

***Эзгулик, инсонийлик ва нафосат айёми бўлмиш Муборак Наврўзи олам билан Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларини чин дилдан табриклайди!***

***Ниятимиз, халқимиз дастурхони ҳар доим тўкин ва баракали, турмушимиз фаровон бўлаверсин!***



## АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Чироқчи туманидаги

# “ИСТИҚЛОЛ”

Очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси

***Халқимизнинг севимли шодиёнаси, бутун борлиқни яшилликка буркагувчи баҳорнинг энг гўзал байрами Наврўзи олам билан ҳамюртларимизни, шунингдек, қут-барака, тўкинлик ва фаровонлик йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган бободеҳқонларимизни, фермерларни чин дилдан табриклайди!***

**Ҳар қандай даврларда ҳам инсониятнинг, қолаверса, Шарқ халқларининг энг эъзозли байрамларидан бири сифатида қадрланиб келинган бу байрам бизнинг ватанда ҳам мустақиллик даврига келибгина файзли ва шукуҳли шодиёнага айланди. Ниятимиз — Наврўзнинг бу йилги қадамлари ҳам хайрли ва баракали келсин!**

## ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ КУН ХАЙРЛИ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!



# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ “КИТОБ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ АЪЗОЛАРИ

*“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб номланган ушбу йилда барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик ва ҳаётий фаолиятларида омад-зафарлар тилаш баробарида ватанимизга яшариш ва янгиланиш фаслини бошлаб бераётган муборак Наврўз байрами билан ватандошларимизни самимий табриклайди!*

*Ҳаммамиз учун азиз ва мукаррам бўлган бу айём яхшилик ва эзгулик, хайр-саховат деб аталган энг гўзал туйғуларни ҳар биримизнинг кўнглимизга сингдиришини тилаб қоламиз.*



## ЙИЛБОШИ МУБОРАК БЎЛСИН!

***Наврўз — боқий қадриятларимизни ўзида тўла намоён этувчи эзгулик байрами. У бутун борлиққа ажиб тароват, гўзаллик бахш этиб, дилларга кўтаринкилик, тоза туйғулар, янги ва яхши ниятлар билан кириб келади.***



**Шундай сурурли дамларда “ЎЗАРХИВ” агентлигининг**

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АРХИВ ИШИ БОШҚАРМАСИ

**барча юртдошларимизни гўзал Наврўз байрами билан табриклайди.**



*Наврўз билан бошланувчи янги меҳнат мавсумида халқимизга соғлиқ, омонлик, мўл-кўлчилик ва фаровонлик тилаймиз. Наврўзда қилинган эзгу ниятлар йил давомида барчамизга ҳамроҳ бўлсин!*



**Зафарбек УСМОНОВ, хонанда:**

— Ҳар бир фаслнинг ўзига хос фазилати, тароватибор. Лекин Баҳорнинг, Наврўзи оламнинг ҳусну латофатига ҳар қанча таъриф-тавсиф изламайлик, тополмаймиз. Негаки, Наврўз чин маънода янгиланиш, уйғониш элчисидир.

Шундай шодмон лаҳзаларда севимли газетамиз саҳифалари орқали сиз азиз мухлисларимни бу гўзал байрам билан чин дилдан қутлаётганимдан мамнунман. Барчангизнинг кўнглингиз шод, хонадонингиз тинч-осойишта, дастурхонингиз тўкин бўлсин!

**Эркин ХУДОЙҚУЛОВ, хонанда:**

— Наврўзнинг файзи, шукуҳи бўлакча. Айниқса, жаннатмонанд юртимизнинг турли бурчакларида Йилбоши келди, дегунча халқ сайллари, шодиёналар бошланиб кетади. Ана шундай бетакрор лаҳзаларда биз санъат аҳлининг ҳам кўнглимизга ажиб баҳорий туйғулар кириб келади. Энг гўзал қўшиқларимиз она табиатнинг ушбу ажойиб нафосатли айёмига жўр бўлади.

Қутлуғ байрам барча юртдошларимизга муборак бўлсин! Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.



*Наврўз — янги кун, янги йил демак. Бу байрам орқали бошланажак ҳамал ойи, барча эзгу сайъ-ҳаракатларимизга асос бўлади. Халқимиз "Ҳамал келди — амал келди" деб, бу ойнинг ҳар бир фурсатидан унумли фойдаланиб, яратиш, бунёд этиш ишқи билан яшайди. Бу эзгу ишларга эса Наврўз элчилик қилади. Шу боис ҳам у байрамларимиз орасида энг файзлиси сифатида қадрланади.*

**Янгиланиш ва яратиш элчиси бўлган гўзал Наврўз билан**

## "БЕШЁҒОЧ" ДЕҲҚОН БОЗОРИ МЧЖ ЖАМОАСИ

***барча юртдошларимизни табриклайди.***

*Кўкламнинг ташрифи Наврўз орқали дилларимизга йил давомида баҳорий кайфиятни бахш этсин. Хонадонларимизда тинчлик, хотиржамлик, юртимизда байраму тантаналар умрбоқий бўлсин. Бозорларимиз тўкин, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, янада чирой очаверсин!*



## «МАЛИКАБОНУ — ЗИЁ» ЎҚУВ МАРКАЗИ

**Абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда Westminister, Oxford, Harward, Cambridge ва бошқа чет эл олий ўқув юртлари доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига кафолатли тайёрлайди.**



→ Иқтисод йўналиши: математика, инглиз тили, она тили ва адабиёти.

→ Ҳуқуқшунослик йўналиши: тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёти.

→ Тиббиёт йўналиши: биология, кимё, она тили ва адабиёти.

→ Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёти.

→ Четга чиқадиганлар учун: корейс тили.

Ахборот технологиялари бўлими

→ Компьютер саводхонлиги (бошланғич учун тўлиқ курс) Windows Office — 1-2 ой.

→ Internet ва E mail — 1 ой.

→ Компьютерларни йиғиш ва дастурлар ўрнатиш — 1 ой.

→ Photoshop, Corei DRAW, PageMaker, 3D MAX, Uiead V.S., Move Edite Pro V.S., (видеомонтаж) дастурлари — 1-2 ой.

→ WEB дастурлари HTML, CSS, ASP, HET, C#, MSSQL, PHP+MUSQL, JAVA Script — 1-2 ой.

→ Компьютерларни тузатиш ва дастурлар ўрнатиш

**ТЕЛ: +99892-508-32-23**

**Дарсларни ОЎЮ ўқитувчилари олиб боришади. Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади. Ўқишга қабул 9.00 дан 17.00 гача.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек метроси ёнида 9 қаватли бино, 23-А уй.**

**Қабулхона — 5-қават, 510-хона.**

**Тел.: 276-99-03, 440-57-01, 278-96-26, 936-40-50.**

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯККАБОҒ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

## *халқимизни янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўз билан самимий муборакбод этади.*



*Асосан боғдорчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган туманимизда 221 минг аҳоли умргузаронлик қилаётган бўлса, унинг деярли тенг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. 46 та ўзини ўзи бошқариш органларига фаол аёллар раҳбарлик қилаётир. 56 мингдан кўпроқ ёшларимиз эса ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида хизмат қилаётир.*

*Куни кеча Ҳисор тоғи этакларида Наврўз олди сайллари бошланиб, туманимиз аҳли бу қутлуғ байрамни бу йил ўзгача руҳда кутиб олаяпти. Деҳқону боғбонларимиз, фермерларимиз «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти йили»нинг хайрли, баракали келаётганидан суюнмоқдалар.*

*Келаётган янги йилда умид билан ерга уруғ қадаётган боболеҳқон учун мўлҳосил, қут-барака, тўкин-сочинлик, бутун халқимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик йили бўлсин. Йилбоши арафасида яхши ниятлар билан бошлаётган хайрли ва бунёдкорлик ишларимизнинг рўёбини кўриш барчамизга насиб этсин!*

## *Байрамингиз муборак бўлсин!*

*Наврўз — халқимизнинг азалий байрами. Бу кунда энг қадимги урф-одатларимиз, гўзал удум ва анъаналаримиз ўзининг тўла инкишофини топади. Шу боис бу айём бизга миллий қадриятларимизнинг бешиги сифатида ҳам қимматли.*

**Элимизга ўзининг кўрки, тароватини, қувончлари билан ташриф буюрган Наврўзи олам билан**

**АНГРЕН ШАҲРИДАГИ “СОБИРЖОН БАРАКАТ” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**халқимизни муборакбод этади. Кўнгилларимизни Янги кун олиб келган шодумонлик ва эзгу ниятлар тарк этмасин!**



ТАРБИЯ СОАТИ

# «МЕНГА ЯХШИ ОНАЛАРНИ БЕРИНГ»...

Ўйинчоқ ўйнаётган қизингизни ҳеч кузатганмисиз? Сиз унга айтган эртакларни у қўғирчоқларига айтади. Ҳатто қўғирчоғига қилаётган юмшоқ ёки қўпол муомаласидан ҳам у сиздан ибрат олаётганини билсангиз бўлади. Демак, болага фақат насиҳат қилиш эмас, аввало ўз хатти-ҳаракатлари билан ибрат бўлишнинг аҳамияти жуда катта экан. Бола учун отаси энг кучли, энг ақлли, онаси эса энг гўзал ва донодир. Шунинг учун аксарият йигитлар умр йўлдошини онасига ўхшашини, унга онасини ибрат қилиб кўрсатишни хоҳлайди.



Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оилада тарбия масъулияти асосан она зиммасидадир. Оилаларнинг мустаҳкамлиги жамиятнинг ижтимоий тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Жамиятнинг маънавий соғломлиги оиланинг, онанинг соғломлигига боғлиқ. Меҳр-оқибатли оилада дунёга келган, шаклланган бола ота-она, ака-укаларига, қолаверса ўзи яшаётган жамиятга ҳам меҳр-оқибатли, шафқатли инсон бўлиб етишади.

Буюк маърифатпарвар Беҳбудий «тараққий этган миллатларни оналари ўқитар экан, биз аввало оналаримизни ўқитиб, уларга тил ўргатмоғимиз керак, чунки бизнинг илм ва тилсизлигимиз улардандир» деб тўғри таъкидлаган. Негаки, она тарбияси орқали фарзанд ижтимоий ҳаётга кириб боради. Бу борада мамлакатимизда ёш оилалар, уй бекалари ўртасида олиб борилаётган турли кўрик танловлар оилада хушхулқлик, тадбиркорлик, ижтимоий фаоллик фазилатларини шакллантиришда ёрдам беради. Инглиз олими ва ёзувчиси Олдос Хаксли: «Менга яхши оналарни беринг, мен дунёни яхшилайман», деганида қанчалар ҳақ эди.

**Насиба АБДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМУ катта ўқитувчиси.**

# ҚИЗ БОЛАГА «УЙ ДАФТАРИ» КЕРАКМИ?

ТАКЛИФ

Касбим тақозо этиб, кўпгина хорижий давлатларда бўлганман. Қаерга борган бўлсам, энг аввало қизлар тарбияси билан қизиқиб кўрганман. Бу борада менга японларнинг одатлари маъқул келган. У ёқда ҳам биздаги сингари қизлар тарбиясига жиддий аҳамият беришар экан. Қиз бола бўйи етгач, совчилар эшик қоқиб келса, биринчи совчига алоҳида эътибор қаратишлари ўзбекларга яқинлиги билан ажралиб тураркан. Улар ҳам совчиларни илтифот билан кутиб олишиб, икки ёшнинг бахтли бўлиши ҳақида савол-жавоблар ўтказишар экан. Йигит томоннинг ҳам талаблари анча ўзига хос бўлиб, қиз бола 16-17 ёшгача уй-рўзғор юмушларини уддалай оладиган, орасталикни, кийиниш маданиятини эгаллаган бўлиши кераклиги сўраларкан. Япон қизлари яна ҳар хил гуллардан экибан ясашни билишлари шартлиги қоидага айланган. Улар ҳам ёшларни ҳаётга тайёрлашда хатоликларга йўл қўйишгани учунми, ажралишлар сони кўпаяверибди ва охири улар оилада қиз болалар тарбияси бўйича янги «одоб технологияси» ишлаб чиқишибди. Ана шулардан бири менинг мақола ёзишимга сабаб бўлган «уй дафтари» тутиш экан. Ҳар бир совчи қизнинг «уй дафтари» билан танишар, сўнг қизни кўриб, уни йигит билан учраштиришар экан. Дафтардаги баҳолари яхши бўлса, совчиларнинг кўнгли тўлиб, «биз қидирган қиз шу ерда экан» деб қаноат ҳосил қилишаркан. Акс ҳолда она бечора уятдан қизариб қолаверишини эшитиб, Шарқ халқлари маданияти бир-бирини тўлдиришига яна бир бор амин бўлдим.

Ҳаётий мисолларни келтираётганимнинг сабаби, бизнинг гўзал қизларимиз ҳам иккита кундалик дафтар тутсалар, деган таклифни ўртага ташламоқчиман. Биринчиси, мактабдаги фаолияти, билимлари учун ўқитувчилари баҳо қўйганидек, иккинчиси уйдаги хулқи, иш тутуми, муомала-одобига оналари баҳо қўйиб беришса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Балки шунда бахтсиз оилалар сабабсиз кўнгилхираликлар, норози қайнона-қайноталар камайиб, қизларимиз ўз ўрнини топиб, суюкли келин бўлиб, ота-оналарига раҳмат эшиттиришармиди?

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

# ТИНЧИ БЎЛСИН ЙИГИТНИНГ

ТААССУФ

... Сўнгги кунлар бу оила учун қоронғу зулматга айланди. Тинчлик, саранжом-саришталик йўқолди. Меҳр-муҳаббат ришталари узила бошлади. Ҳар гапнинг охири: «Ажраламан, характеримиз тўғри келмайди, бирга яшолмаймиз», — деган гаплар билан якунланадиган бўлди...

Уларни кўпдан бери биламан. Фарзандли бўлгунга қадар апоқ-чапоқ, бир-бирларини еру кўкка ишонмай бинойидек яшашарди. Орада оила бекаси оғир оёқли бўлди. Иккинчи фарзанднинг дунёга келиши, уларнинг муносабатларини мустаҳкамлаш ўрнига, тескари тус олиб, оила қўрғони нурай бошлади.

Унинг аёли анча жиззаки, аразчи, эри билан айтишиб қолса, ойлаб гаплашмай юрарди. Эр шўрлик икки норасида гўдак тирик етим бўлмасин деб, хотинининг атрофида гирдикапалак. Муносабатларини изга солиш учун ҳарчанд овора бўлмасин, фойдаси бўлмади. Аёлда борган сари тошмеҳрлилик, қўрслик, манманлик кучайгандан-кучайиб бораверди. Турмуш ўртоғини одам ўрнида кўрмай қўйди. Икки гапининг бирида: «Сизга тегиб, нима кўрдим ўзи? Эр бўлиб нима қилиб бердингиз? Аҳмоқ бўлмасам, сизга тегармидим? Шу ҳам ҳаётми?»—деб таъна-дашном қилиб, нолигани-нолиган эди, ота эса: «Озроқ сабр қилсанг-чи, ҳали ишларим яхши бўлиб кетар, бизнинг бошимизга ҳам офтоб чиқиб қолар», — дерди. Аёли бўлса ҳали эрини, ҳали болаларини қарғаб чарчамасди.

Бор-бора эр-хотин орасига совуқчилик туша бошлади. Хотинининг ғиди-бидисидан чарчаган эр, уйга келишга юраги бетламайди. Болаларисиз яшолмагани боис кириб-чиқади. Мана, бугун ҳам эрталабдан хотиннинг жағи очилди: «Ҳе, отангга ўхшамай ўл, итвачча... Падарингга лаънат...» Икромжон дағ-дағ титрайди, дадажонисининг бағрига отилади. Дадаси боласини юпатаркан, «наҳот, норасиданинг кўз ёшлари онасининг қора юрагини оқартиролмаса», деб хаёлидан ўтказиб, болаларини боғчага олиб кетади. Кетаётиб, эшикдан эрини: «Дадажониси, яхши бориб келинг, Оллоҳнинг ўзи асрасин, оқ йўл», — деб эрини кузатаётган қўшнисига кўзи тушиб, бу оилага ҳаваси келади. Кун бўйи ишлаб толиққан эр секин соатига қаради. Олти бўлиб қолибди. Уйга қайтиш керак. Йўл-йўлакай боғчадан ўғлини, уйга эса бирон егулик олволишиям керак ҳали. Ҳеч оёғи тортмайди. Қанийди, иш вақти тугамаса. Ҳовлига кирдим, дегунча дард-ҳасрат, нолиш, ношукрлик бошланади.

Қандай ухлайди, қандай кўз очади, ҳеч эсломай ҳам қолди. Дам олиш куни... Э, қўйсангизчи, ҳали шунча йил яшаб, бирон кун эмин-эркин дам олганини эслолмайди у.

Кеча яна хотини дийдиё қилди: «Сизга тегиб мен кун кўрмадим»... У ҳеч нарса демади. Аёли нолий-нолий ичкарига кириб кетди. У бўлса лом-лим демади. Эрта тонгда... кўзини очди холос. Тиллари айланмади, оёқ-қўли ўзига бўйсунмади. Ўғли ёнига келиб қўлларидан тортқилади. «Боғчага кетаман». Аёли эса... унинг миясига қон қуйилганини «Тез ёрдам» шифокоридан эшитди...

**Карим НОРМАТОВ,**
**профессор.**

НИГОҲ

# АДАШМА, АДАШОЙ!



Бу воқеа қаҳрамони ўз ҳаётидаги бир хижолатчилик сабаб бизга мактуб йўллаган. Аслида хавотирга ўрин йўқ, лекин мухлисамиз шундай ҳисоблайди. Хуллас, бу қаҳрамонимиз сизу биз билан замондош, сурхондарёлик Адашой. Бу исм кўпчиликни ажаблантириши мумкин. Аслида уни мактуб ёзишга мажбур қилган нарса ҳам айнан шу савол. Балки Адашой исмли қизлар юртимизда жуда кўпчиликни ташкил этар. Агар шундай бўлса, бизнинг ўтинчимиз, ушбу мактубда келтирилган воқеалар хусусида бўлмағур хаёлларга боришмасин. Хатни эса таҳрир қилиб, сизнинг эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

*“...Мен эсимни танибманки, ўз исмимдан норози бўлиб келаман. Оилада саккизинчи қиз бўлиб туғилдим. Ота-онам эса ўғил фарзанд кутишган экан. Мен “адашиб”, қиз бўлиб туғилибман. Бор-йўғи ана шу сабаб билан менга Адашой деб исм қўйишибди. Опаларимнинг исмлари бир-биридан чиройли. Ўғил бола бўлганимда-ку, эҳтимол парво қилмасдим. Адашвой деган исмлар кўп-ку. Аммо, қиз боланинг исмига бу ном унчалик сингиб кетавермас экан.*

*Тўғри, яқинларим, танишларим мени шу исмим билан чақиришга ўрганиб кетишган. Ўзим ҳам кўникиб қолганман. Янги одамлар билан танишишга тўғри келганда, анча ўнғайсиз ҳолатда қоламан.*

*Мактабда яхши ўқиганман. Олимпиадаларга қатнашиб, вилоят босқичига ҳам чиққанман. Ўшандаям янги болалар, қизлар билан танишганимда уларга исмимни айтишга анча истиҳола қилганман. Эшитишса, кулиб қўйишарди. Бу кулгуларнинг қай бири самимий эканлигини билолмай қийналиб кетардим. Шундай бўлса-да, олимпиада сабабли қўшни туманлардан кўплаб тенгдош дугоналар орттирдим. Майли, булар-ку, болаликда билинмас экан. Аммо...*

*Бир воқеа ҳаммасидан ошиб тушди. Ўшанда тиббиёт коллежини битириб, қишлоқ врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишлаб юрардим. Бу вақтда ҳамма қизнинг тақдиридаги ҳодисалар менда ҳам рўй бера бошлади. Уйимизга совчи келди. Унчалик бегона эмас, дадамнинг туман марказидаги дўсти мени келин қилиш ниятида экан. Қариндошларнинг айтишларича, ўғли пойтахтда, қайсидир институтда ўқир, келажаги порлоқ, баъмани йигит экан. Мен ўйлаб кўришимни айтдим. Орага янгалар тушиб, бизни бир-биримизни синаб олишимиз учун учраштириб, таништириб қўйишди. Йигит назаримда ростдан ҳам келишган, хушфеъл эди. Бир-биримизга маъқул келдик. Тўйга ҳам рози бўлдим. Аммо йигитнинг сўнгги гапи устимга муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. У менга сўнгги қарорга келишимдан олдин деярли шарт маъносидаги бир илтимосини айтди. Яъни: «Ҳамма-ҳаммаси жойида, фақат бир илтимос, тўйгача исмингизни ўзгартирсак...» — деса бўладими?!*

*Менга бу гап жуда оғир ботди. Бўлажак куёвнинг гапидан кўра, кўпроқ ота-онамнинг менга шундай исмни қўйганига норозилигим янада орта бошлади.*

*Хуллас, мен шу йигитга турмушга чиқмайдиган бўлдим. Кейин яна кўп жойлардан совчилар келди. Рад этавердим. Негадир, улар ҳам менга исмимни ўзгартириш керак, бўлмаса... дегандек туюлаверди. Мен ростданам исмимни ўзгартирсаммикан, бундай қилганлар кўп-ку, деб, исмни ўзгартириш шартларини суриштирдим. Бу ишни 25 ёшга тўлганимда, паспортни алмаштирган пайтимда амалга оширсам бўларкан. Бунга эса яна уч йил бор. Бошим қотди. 25 ёшдан кейин оддий қишлоқ қизига кимдан ҳам совчи келиши мумкин...»*

Ҳа, тилга келганини ўйламай сўзлаш аксарият ҳолларда фақат ташвиш келтириши мумкин. Ҳурматли Адашой ва шу исм билан яшаётган азиз қизларжон! Эҳтимол, исмингизни ўзгартириш қарорингиз қатъийдир. Бу сизнинг ўта шахсий ишингиз ва ҳуқуқингиз. Бироқ биз бу ҳаракат билан ростдан ҳам адашаётган бўлишингиз мумкинлигидан хавотирдамиз. Инсон шундай имкониятларга эгаки, ўзидаги иқтидорни ўз вақтида англай билса, дунёни лол қолдириши ва ўз исмидан бир умр фахрланиб яшаши мумкин. Шу оддий ҳақиқатни ҳамма бирдек англаб етишини ва ўз ўрнида ота-оналар ҳам ўз фарзандларига бир умр ҳамроҳ бўладиган исмни қўйиш чоғида билимсизлик, жоҳиллик қилмасликларини чин дилдан истаб қоламиз.

**Наргиза САРИМОВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири**

***Азалдан Наврўз кунларини халқ сайллари безаган. Халқ сайли деган иборада файз ва барака, меҳр ва оқибат бор. Айни шундай қутлуғ кунларда одамлар бир-бирларига руҳан яқинлашадилар, уларнинг катта-кичиги қадрдан тенглашадилар.***

***Халқимиз гўзал урф-одатлар, эзгу анъаналарга жуда бой. Наврўз кунларида шундай анъаналарни ўзида жамлаган қадриятларимиз янада ёрқинроқ намоён бўлади. Одамлар ўз тарихи ва бугунини чуқурроқ ҳис этадилар.***

✓ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# ФАРИШТАЛАР ИЛА ТОНГГАЧА

Эрталаб ўғлимни етаклаб боғчага кетаётсам, уч-тўрт нафар қўшни аёллар йиғилишиб,ниманидир баҳслашишяпти.

— Дам олиш кунлари қўшнилар бир йиғилишиб, сумалак қилсак дегандик. Шунинг маслаҳатини қилиб турибмиз. Сиз нима дейсиз қўшни? — деди Моҳира опа жавобимни кутиб.

— Яхши бўларди, сумалак баҳона болалар яйраб олишади. Лекин ўчоқ, қозон масаласи...

— Буёғидан хотиржам бўлинг. Оқсоқолдан оламиз. Ўтин масаласи ҳам ҳал бўлган. Ўтган йили кузда кесилган дарахт шохларини қуритиб, ертўлага киритиб қўйгандим. Етади. Буғдойни Раҳима келин ундириб берадиган бўлди. Биласиз, уч йилдан бери фарзанд кутяпти. Ният қилган экан.

Хосият опа шундай дея халатининг чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, сумалакчи аёлларнинг рўйхатини ёза бошлади.

— Олтинчи қаватдаги Шоҳида келиннинг қайнонаси анчадан бери касал ётибди. Уни қўшмасак бўлмайди. Кўнгли оғримасин. Холидахоннинг ўғли яқинда хизматдан келди, униям ёзамиз. Асқарниям оғзи тегсин. Саккизинчи қаватдаги Салтанат опанинг келини яқинда туғруқхонадан чиқди. Келини чиқолмаса, Салтанатхоннинг ўзи ёрдам берар.

— Бешинчи қаватдаги Илҳом аканиям қўшайлик. Бечора ёлғиз бир ўзи яшайди. Ўтин-пўтин ёриб бериб турар, — деди Гулчеҳра келинойи қўли билан ёзинг ишорасини қилиб.

— Шу фақирнинг ҳам кўнгли бир обод бўлсин. Бечора кампири ўлгандан бери мунғайиб қолди.

— Яна ким қолди айтилмаган, — деди бармоқлари билан аёлларни ҳисоблаб Хосият опа.

— Вой, Матлубани ёзмадинглар. Уни қўшмасак нақ бошимиз балога қолади-я, — эслатди Сожида келин.

— Бу йил сумалакка уни чақирмаймиз. Шундоғам ғийбатчилигидан ҳамма безор. Нуқул қўшниларни бир-бирига уриштириб юради. Қўйинглар, тинчгина ўтсин, сабоқ бўлади — Адолат опа кўнмади.

Ҳаш-паш дегунча буғдойимиз униб, сумалакни ҳам бошлаб юбордик. Яхшиям Хосият опани



кайвони қилганимиз, югуриб-елиб катта-ю кичикни оёққа турғазди.

Хосият опа Доно момони бошлаб келди. Ая келиб аввал юз-қўлларини ювиб, сўнг ўчоқ бошига ўтириб, шу ердан ўтганлар ҳаққига фотиҳа ўқигач, кейин бизга тартиб билан қозонга нималарни солишни айтиб турди. Сумалакни қозонга солиш жараёни тугагач: «Ана энди бемалол ўйин-кулгу қилсангиз бўлаверади. Яхши-яхши гапларни айтиб, чиройли ниятлар қилиб сумалакни ковласанглар, йил бўйи яхши кайфиятда юрасизлар», — деди.

— Қани, Гулсумой бир қўшиқдан олинг-чи, — деб қистай бошлади Ҳури опа.

Гулсум опа ҳам шу гапни кутиб турган экан, дарров қўшиқни бошлаб юборди. Катта йўлдан ўтиб кетаётган йўловчилар ҳам тўхтаб, ният билан сумалагимизни бир-бир кавлай бошлашди. Бир рус аёли:

— Дайте мне тоже — дея рухсат сўраб капгирни қўлига олди-ю, қозон атрофидан кетолмай қолди.

Тун яримлаб, кун салқин бўлиб қолганига қарамай, ҳеч ким уйга кир демаётганидан хурсанд бўлган болалар ҳам мазза қилишди.

— Қани, болалар, уйларингга кириб ухлаб, эрталаб саҳарда келинглар. Биз туни билан қозонни кавлаб чиқамиз, — деди Хосият опа.

Эрталаб атрофга таралган хушбўй, димоқни ёрадиган ҳиддан уйғониб кетдим.

— Вой, ўлмасам, ухлаб қолибман-ку, — дедим-у рўмолимни чала ўраб, кўчага югурдим. Чиқсам, қозон атрофида Раҳима келин билан хўжайини Шокир бир-бирларига суяниб қозон кавлаб ўтиришибди.

— Қолганлар қани? Туни билан фақат сизлар ўтирдингларми? — десам:

— Икковлашиб ният қилиб чиқдик, — деди Раҳима кўзлари мўлтираб. Назаримда улар тонггача фаришталар билан сумалак пишириб чиққандай туюлди.

Шу пайт юрак-юрагимдан уларнинг фарзандлари бўлишини Оллоҳдан астойдил сўрадим. Мана шу сумалак баҳона Раҳима билан куёвининг ҳам оламлари қувончга, завқу шавққа тўла бўлишини истадим.

Тонг ёришгани сайин қозон атрофи аёллар, болалар билан тўлди. Ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳозир қозон очилади. Рўмолини чаккасига чамбарак қилиб, қўйлагининг этагини тугиб олган Хосият опа: «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм», дея қозонни очиб, сумалакни тарқата бошлади. Охири бир косага сумалак тўлдириб, Раҳиманинг қўлига тутқазди.

— Буни Матлуба опангизга олиб кириб беринг, — деди.

Раҳима ийманибгина Матлубанинг уйи томон йўл олди. Бироз туриб юзи ёришиб қайтди. Унинг қўлидаги коса ичида бир сиқим конфет бор эди...

**Нигора АЛИШЕР қизи**



# ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАКРОР...

Мавжуда муаллиманинг одати шу: март келди, дегунча уйдаям, мактабдаям ўзгача руҳга кириб қолади. Барибир, баҳор баҳор-да, бўлмаса, қиш бўйи жон ҳовучлаб, болажонларим совқотиб қолмасин-да ишқилиб, дея уларнинг ҳар бирига қалинроқ кийинишини эринмай тайинлаб чиқади. Катта синф раҳбарларига осон, негаки, уларнинг шогирдлари ақлини таниб қолган, бирон нарса айтилса, бажаришади. Лекин бошланғичда ўқийдиган шоввозлар...

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган 203—мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавжуда Турғуновани кўпчилик устоз деб чақиради. Бунинг боиси, катта тажриба мактабини ўтаган опанинг бу илм даргоҳида ўзига хос ўрни борлигидан.

Унинг умр дафтарида ўчмас битиклар кўп. Ўттиз ёшида кутилмаганда умр йўлдошидан айрилиб, уч фарзандига ҳам ота, ҳам она бўлган. Тинимсиз изланиш, меҳнат, оғир синовлар... буларнинг бари Мавжуда опа учун ҳаётнинг энг катта имтиҳонлари бўлди. У ҳеч қачон нолимади, сабр-иродасига суянди, қизлари ҳам бу бағри кенг, меҳрибон оналарини қўллаб-қувватлашди, ишончларини оқлашди. Натижада "мураббийлар оиласи" деган номга сазовор бўлишди.

Айни пайтда учала қизи ҳам оналарининг изидан бориб, ўзлари ишлаётган илм ва тарбия масканларида обрў-эътибор қозонишмоқда.

— Айниқса, ҳозирги даврда бошланғич синф ўқувчиларига устозлик қилиш осон эмас,—дейди 203-мактаб директори Озода Эгамбердиева.—Бугунги ўқувчининг кўнглига йўл топиш учун энг аввало, руҳшунос бўлишингиз керак. Ширин сўз ва меҳрибонликнинг ҳам ўзи етмайди. Кечагина боғчадан келган болакай мактабга келганидан сўнг бутунлай бошқа бир дунёга тушиб қолгандек сезади ўзини. Ана шундай пайтда менинг назаримда, Мавжуда опага ўхшаш юқори малакали ва тажрибали мураббийларга кўпроқ суяниш керак.

Дарвоқе, сўзимиз аввалида қаҳрамонимизнинг Баҳорга бўлган меҳр-муҳаббатига алоҳида урғу берган эдик. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки, Мавжуда опамиз Хотин-қизлар байрами, айниқса, халқимизнинг энг муборак айёми— Наврўзи оламни ўз ўқувчилари билан жуда интиқ кутади.

— Боисини айтайми сизга,— дейди Мавжуда опа бироз синиқ овозда.— Бир замонлар бу улуғ байрамни таъқиқлашиб, ҳатто халқ хотирасидан ўчириб, йўқотишга уринишлар ҳам бўлди. Хайриятки, истиқлол даврига келиб, маънавий қадриятларимиз қайтадан тикланди, шу жумладан, Наврўзимиз ҳам ўзининг бетакрор қиёфасини топди, бой анъаналари билан яна юртимизнинг энг оммавий байрамларидан бирига айланди.

Хайрлашаётганимизда опа ўзининг қадрдон ўқувчиларига қараб «Қани болажонларим, ҳаммамиз жўр бўлиб Наврўзи олам кунлари айтиладиган лапар-ўланларни куйлайлик-чи", дегандилар, болалар "Бойчечагим бойланди», қўшиғини мароқ билан ижро этдилар.

**Дилфуза ДАВЛАТ қизи**

## МУБОРАК



## МАКТУБЛАР

***Азалдан Шарқда иншо санъати (мактублар) ниҳоятда қадрланган. Ҳатто не-не орифлар ўртасида бу борада маънавий мусобақалар бўлиб ўтган. Зеро, мактуб инсоннинг дунёқарашини, маданиятини, тафаккурини намоён қилган. Хўш, биз бугун мактуб ёзишга қандай муносабат билдирамиз? Бир-биримизга мактублар ёзамизми? Хат ёзиш маданиятига амал қиламизми? Бу ишнинг ҳам ижод эканлигини ҳис этамизми? Бу жараёнда ўз қалбимиз билан юзма-юз келиб, туйғуларимизни ва кечинмаларимизни таҳлил қилиб кўрамизми?***

***«Муборак мактублар» деб номланган янги рукнимизда инсоният тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган улуғларнинг ёзган мактубларидан намуналар бериб боришни ният қилдик. Зеро, мактублар асрлар давомида тафаккур осмонида оққушлардай учиб юрадилар.***

***Ушбу рукнни ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзининг яқин дўстларидан бирига ёзган мактуб билан бошлашни маъқул топдик. Ушбу мўъжазгина мактубни ўқиб, муаллиф маҳоратидан ҳайрат бармоғингизни тишласангиз ажаб эмас.***

* * *

**Алишер НАВОИЙ**

### *МАНГА ҚИСМАТ БЎЛУБДУР...*

Қуллик дуосидан сўнгра шуни арз қиламизки, илтифот қилиб, мактуб орқали бизни ёд қилган эдингиз, у хурсандчилигимизга сабаб бўлди. Тангри таолло давлатингизни бундан ҳам орттирсин, умрингиз узун бўлсин.

***Номанг ғамимни***
***мингдан бирга етказди,***
***Тангри берсин бир***
***ёшингга минг ёш.***

Ёзибсизки, Мирзо ҳузурида Сизни эслаб йиғларман. Эслаб юришингизга розиман, йиғлашингизга эса йўқ.

***Дема ҳажрингда манга***
***одат бўлубдур йиғламоқ,***
***Шод бўлгилки, манга***
***қисмат бўлубдур йиғламоқ.***

Давлатингиз барқарор бўлуб, саодат сизга ҳамиша ёр бўлсин!

**Чингиз ШУКУРОВ тайёрлади.**

# МЕҲРДАН ЯРАЛГАН АСЛИ БУ ДУНЁ

Наврўзда олам янгидан туғилади. Халқимизнинг бу айём билан боғлиқ ҳар бир удуми шарҳланса, одамийлик илмидан сабоқ бергувчи бир мактаб вазифасини ўташи шубҳасиз.

Наврўзнинг тансиқ, танларга роҳат, куч-қувват бағишлагувчи таомлари — сумалак ва ҳалимдан аввало уйда ётган беморлар, кексалар, ногиронлар баҳраманд бўладилар. Демакки, меҳр-мурувват ҳам биринчи навбатда унга энг муҳтож бўлганларга кўрсатилиши керак. Тошкент шаҳар 2- сон болалар Мурувват уйига кириб борарканман, кўнглимдан мана шу фикрлар ўтди. Бу ерда тарбияланаётган 400га яқин имконияти чекланган болаларнинг еб-ичишдан, турар-жой ва таҳсил олишда сира камчиликлари йўқ. Уларга кечаси-ю кундузи энагалар, тарбиячилар парвона, болажонлар қалбини улар тушунишади...

—Мурувват уйимизда ақли заиф ногиронлар ва орқа мия фалажи билан касалланган болалар даволанади. Давлатимиз бу болаларни ўз ҳолига ташлаб қўймаган, уларга босқичма-босқич даволаш ишлари олиб борилмоқда, — **дея суҳбатни бошлади Мурувват уйи директори ва бош шифокори Умида Рихситиллахўжаева.** — Халқимизда жисмоний имкониятлари чекланган болаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ғамхўрлик кўрсатиш анъанаси аждоддардан авлодларга ўтиб келмоқда. Мурувват уйимизда уларнинг яхши яшаши, малакали тиббий хизмат олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Педагогларимиз бу ақли заиф болаларга ўқиш, ёзишни ўргатиш учун маҳорат билан машғулотлар олиб борадилар.

Педагогик жамоанинг мақсади ҳаётнинг қаттиқ синовига дуч келган бу ўғил-қизларнинг бугунги кунларини тинч-осуда ўтишига ёрдам беришдангина иборат эмас, балки уларни ҳаётга тайёрлаш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўргатиш. Бу кўникмаларни ҳосил қилиш алоҳида дастурлар асосида олиб борилади. Мурувват уйи таркибидаги махсус мактаб тўрт синфдан иборат бўлиб, бу ердаги таълим-тарбия жараёнлари тарбияланувчиларнинг имкониятларини иложи борича кашф этиш, ривожлантиришга ёрдам беради.

Кўпинча ҳар жиҳатдан соғлом болалар билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг ҳам ўз ўқувчиларининг ўқимаслиги, дарсларни яхши ўзлаштирмаслигидан нолишларини ўйлаб... «Имконияти чегараланган болалар билан ишлаб, уларнинг очилмаган қобилиятини кашф қилиш мумкинми?» — деган саволни иккиланиброқ бергандим:

— Албатта , — *деб ишонч билан сўзлай бошлади Умида Азизовна,* — қобилиятсиз, лаёқатсиз одам бўлмайди. Педагогларимиз, аввало уларнинг ривожланган қиррасини топиб, кейин индивидуал ишлайдилар. Масалан, болаларимиз орасида расм чизишга, мусиқа асбобларини чалишга қобилиятлилари кўп. Тасвирий санъат бўйича ўтказилган танловларда биринчи ва совринли ўринларни кўп эгаллаганмиз.



Суҳбатдошим сўзининг исботи сифатида менга тарбияланувчилар ижоди намуналарини кўрсата бошлади. Табиатнинг ўзи каби беғубор, содда бўёқлари ёрқин расмлар. Болажонларнинг рангларга самимий руҳ бағишлаган ҳайрати, дунёга муҳаббати кимларга сабоқ бўлмайди, дейсиз...

— Яна улар спортга ҳам жуда қизиқишади, — *дейди қирқ йилдан буён шу даргоҳда қанчадан-қанча кўнгли ярим болажонларга онадек меҳру муҳаббатини бериб ишлаб келаётган ҳамшира, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Флюра Хакимжонова.* — Беш йилдан буён Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган параолимпия мусобақаларида иштирок этамиз. Бу беллашувларда барча вилоятлардаги Мурувват уйлари тарбияланувчилари қатнашадилар. Болаларимиз мини-футбол, баскетбол ўйинларини жуда берилиб ўйнайдилар, қатор йиллар мобайнида спортнинг шу турларида биринчиликни қўлга киритиб келяпмиз. Бу уларнинг соғлиғига ижобий таъсир қилади.

— Меҳр-муҳаббат, билимдонлик, сабр-тоқат билан олиб борилган машғулотлар натижа бермай қўймайди, — **дейди йигирма йилдан буён шу ерда меҳнат қилаётган, «Шуҳрат» ордени соҳибаси Мавлуда Шоназарова.** — Ҳаттоки орқа мия фалажига чалинган, тўшакка михланиб қолган, шифокорлар охирги ташхисни қўйган болаларга ҳам тўғри даво муолажалари олиб борилса, яхши томонга ўзгариш бўлади. Бизда бундай болалар учун махсус бассейн бор, массаж, даволовчи бадантарбия ўтказилади. Натижада юролмайдиган болалар оёққа туришади.

Болаларнинг соғлигида нуқсон бўлиши мумкин, аммо қалбида ноқислик бўлмайди. Демакки, уларга бериладиган меҳр-мурувват ҳам чегара билмаслиги керак. Суҳбатимиз мавзуи мана шу томонга бурилганда, тарбиячи ва энагаларнинг кўнгилларидаги оғриқ юзларига қалқиб чиққандек бўлди.

— Ҳақиқатда улар меҳрга ташна, — **ички дард билан гапирди бош шифокор.** — Барча қулайлик, билим ва малака олишлари учун имкониятлар яратилган, ҳатто компьютер саводхонлиги дарслари олиб борилади, кичкинагина ҳайвонот бурчагимиз ҳам мавжуд. Тарбиячилар, энагалар учун болалар ўз фарзандларидек бўлиб қолишган. Аммо бу норасидалар ота-она бериши лозим бўлган меҳрга ташна. Боласини бу ерга ташлаб кетганча, қайтиб унинг аҳволидан бирон марта хабар олмаганлар бор. Ишонасизми, болажонларнинг кўзида доим битта саволни ўқийман: «Ота-онам келадими, мендан хабар оладими?» — деган мунг билан қарши олишади. Ҳаттоки гапиришни билмайдиганлари юзларини кўрсатадилар. Бу уларнинг «Юзимни ўпадиган отам, онам келадими?» — дегани. Имо-ишора билан «Телефон қилишдими?» — деб сўрашади...

Сўнгги вақтларда бизда ишламоқчи бўлган ёшлар кўпайган. Улар билан суҳбатлашишдан олдин болалар билан таништиб чиқишни тавсия қиламиз. Ногиронларга қараш, уларни тоза тутиш ва овқатлантиришга тайёр-тайёрмаслиги шу вақтда маълум бўлади. Сабр-тоқати етмайдиганлари кетиб қолади. Аслида, бундан ўн беш йил аввал бу ерга раҳбар қилиб тайинлашганда, ҳатто ўзим шифокор бўлсам ҳам, «Ишлаб кета олармиканман?» — деб қўрққанман...

Жисму жонининг бир парчаси бўлган дилбандининг ногирон, носоғлом бўлишини ҳеч ким истамайди. Лекин истак бошқа-ю, унинг амалга ошиши учун ақлу заковат билан иш тутмоқ бошқа. Ҳар бири шабнам томчиси каби беғубор, аммо ўйнаб-кулмоққа, ўқимоққа, соғлом тенгдошлари қатори ҳаёт кечирмоққа имкониятлари ғоятда чекланган бу азиз жонларга қараб туриб, кўнглидан беихтиёр бир савол ўтади: «Бу қисмат сен учун тақдир синовими ёки кимнингдир гуноҳи, нодонлиги касрими?»

— Ҳар бир боланинг ногиронлик сабабларини чуқур ўрганамиз. Уларнинг асосийлари учта: миллатимизда кўп учрайдиган яқин қариндошлар орасидаги никоҳдан туғилган болаларда ирсий касалликлар учрайди. Ичкилик, гиёҳвандликка берилган ота-оналардан, шунингдек, ҳомиладорликда ўзига қарамаган, касалликларини вақтида даволатмаган ёки туғруқ жараёнида жароҳат олган оналардан ногирон болалар дунёга келади. Яна бир сабаб бу катталарнинг эътиборсизлиги туфайли соғлом бола бошининг туғилганидан кейин жароҳатланиши. Қизларни ёшлигидан тўғри, оналикка тайёрлаб тарбиялаш керак, — Умида Рихситиллахўжаеванинг бу фикрларидан тўғри хулоса чиқариш — ҳаммамизга тааллуқли.

САВОБ

Болажонлар яшайдиган, ўқийдиган, турли машғулотлар билан шуғулланадиган хоналардаги озодалик, тўкислик кўнгилни кўтаради. Дарвоқе, бинолар ичига кириб борсангиз, аввало шифобахш исириқнинг хушбўй исидан кўнглингиз равшан тортади. Кўз олдимга эрта тонгда болажонларнинг каравотлари узра исириқ тутатиб юрган энагалар келди... минг бор ташаккур сизга!

Аввало, давлатимиз Мурувват уйи тарбияланувчилари учун барча шароитларни тўкис яратиб қўйган. Қолаверса, меҳру мурувввати зиёда инсонлар ҳам оз эмас.

...Тарбиячи машғулот ўтказаётган хонага қадам қўйганимизни биламан, болажонлар орасидан беш-олти ёшлар чамасидаги бир қизалоқ отилиб чиқди-да, қучоғини кенг очиб, менга қараб чопди. Юрагим титради, уни бағримга босдим. Мурғак вужуд мисоли бир тирик соғинчга айланган, отаси, онасига ташна эди. Қанийди, бу бегуноҳ фариштани дунёга келтирганларга овозим етса: Сиз жигарбандингизни соғинмадингизми? Ногирон бўлганлиги сабабли болангиздан воз кечдингиз, лоақал уни вақти-вақти билан кўриб туришни ҳам истамайсиз. Тан олмасликка ҳарчанд уринсангизда, ботинингиздаги бир кемтиклик, нотавонликдан ҳеч қочиб қутулолмайсиз. Шу саховатли кунларда ўзингизга ўзингиз саховат қилинг: фарзандингиздан хабар олинг, унинг олдига Наврўз элчиси бўлиб боринг... кўнгилларнинг кемтиклиги тўлсин. Зеро, инсон қалбининг зиёрати савоби Каъба зиёратидан-да улуғки, буни ҳис этиб яшаш барчамизга насиб этсин.

**Муҳтарама УЛУҒОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# МУЗАЙЯНА ОПАНИНГ БАЙРАМИ

ХОТИРА УЙҒОНСА...

Наврўзи оламнинг ҳар нафаси эзгулик билан боғлиқ. Чўққиларни қоплаган қорлар сув бўлиб дарёга қўшилади. Дарахтларнинг қорайган шохларида яшил куртаклар бўртади. Новдалар гулга, гуллар япроққа айланади. Боғлар қушлар тилида куйлай бошлайди. Деҳқон қуёш нурларини ичиб юмшаган, илиган тупроққа уруғ ташлайди. Ҳамма-ҳаммасида жонланиш, уйғониш бор. Гўзаллик, ранг, овоз бор. Шу боис ҳам халқимизнинг бой маънавий меросини қадрлаган инсонлар бу улуғ байрамга алоҳида эҳтиром кўрсатганлар. Фольклоршунос олима Музайяна Алавия ана шундай инсонлардан бири эди. Айниқса, пскентликлар юзларидан нур тўла ёғилиб тургувчи бу аёлни жуда яхши эслашади. Музайяна аямиз қишлоқларда юриш қийин, от-уловлар муаммо бўлган замонларда ҳам доимо эл-улус орасида юриб, халқ қўшиқлари, эртаклари, достонларини тўплаган. Айниқса, Йилбоши билан боғлиқ қўшиқларни жуда ихлос билан тинглар экан.

Болалар уйма-уй юриб бойчечак улашиб, «Бойчечагим бойланди» қўшиғини куйлаганларида Музайяна ая хаяжонга тушиб: «Уларнинг қўлларига, албатта, суюнчи берайлик. Қаранг-а, шу болакайлар баҳор келаётганини дараклаб юрибди. Бойчечакни «Омонлик-сомонлик» дея манглайингизга суртганингиз, тавоф қилганингиз шу митти юракларда табиатга меҳр, муҳаббат уйғотади. Ердан униб чиққан ҳар чечакнинг танқис гиёҳ эканини, унда ҳаёт нафаси борлигини болалар билишсин. Бу — кичкина гап эмас. Аслида юрт тупроғида ўсган ҳар чечакни севган, уни ҳовучига олиб, сўлдирмай тарқатиб юрган болажонлардан ватанпарварлар чиқади», — деганларини ая билан ҳамсуҳбат бўлган онахон хотирлади.

Айтишларича, Музайяна опа фақат бойчечак ҳақида эмас, Наврўзнинг ҳар бир удумини эсда қоладиган даражада шарҳлар эканлар. Аёллар чилдирма чалиб, «Омон ёр» айтиб, ўйин-кулги билан сумалак пиширар эканлар, Музайяна ая қозон бошида уларга қадимий ривоятлару ҳикоятларни айтиб берар экан.

— Ўйлаб кўринглар-а, асал қизларим, бир кафт буғдойдан бир қозон ширин таом бўлади. Бу ширин таом ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Нечта қўллар бирлашиб, сабр-тоқат билан бир кеча, бир кундуз меҳнат қилади. Бу улуғ таом замирида халқимизнинг бир дунё фалсафаси бор: «Биргаликда қилинган меҳнат самара беради», «Сабрнинг туби — сариқ олтин»...

Музайяна аянинг шарҳлари баҳор қалдирғочларидай оғизма-оғиз тарқаб кетарди. У киши Наврўзнинг ҳар бир удумини тингловчилар кўзи олдига келтирар, унга шакл, сурват, маъно берарди.

— Наврўзда кенг адирларда кўпкари ўтказилади. Билмаганлар: «Бир улоқни неча киши талашади, шуям ўйин бўптими?», — дейди. Аслида чавандоз йигитлар ор талашади. Эътибор берганмисизлар, баковул — даврабоши ғолибни эълон қилганида: «Фалон қишлоқлик фалончи полвон»... — дея эълон қилади. Ўша ғолиб чавандоз билан бирга у туғилиб ўсган қишлоқ номи байроқдай баланд кўтарилади. Элдошларига қанча ғурур олиб беради бир йигит. Ватан учун қувониш, Ватан учун ғурурланиш маҳалла, қишлоқ учун ғурурланишдан бошланади.

Музайяна Алавия Наврўз қатағонга учраган даврларда ҳам ўзининг қатъий фикридан қайтмаган. Қатъий туриб «Наврўз — мангу, бу гап-сўзлар — ўткинчи», — деганларини ҳали-ҳали кекса зиёлилар эслашади.

Мана, яна ўзининг алвон гуллари, халқона алёр-қўшиқлари билан Наврўзи олам юртимизга кириб келаётир. Ажойиб, хуштабиат олима Музайяна Алавия ҳам юртимизнинг ушбу гўзал байрамини олис-олислардан кузатиб тургандай гўё.

**Дилдора ВАЛИХОНОВА,**
**Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)*

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА

**Шодмон ОТАБЕК**



У ёқда Салима ҳам ўрнидан турди. Целлофан халтадан пахмоқ сочиғини олиб, артинди. Ички кўйлагини кийгач, девордаги энсиз, хира ойнага қаради. Юз-кўзлари қизариб, бўғриққан, нам сочлари кокила-кокила бўлиб, елкаси, кўкраги-да тўлғонади. Шу тобда у янада кўркам ва малоҳатли эди. Ҳозиргина тўсиқ ортида бўлиб ўтган суҳбатни у ҳушида эмас, гўё тушида эшитгандек туюлар, бу гурунг майда тафсилотларигача тасаввурида қайта жонланар, энди эркаклар дунёсига бутунлай бошқа, янги туйнукдан мўралар эди. Ҳа, шубҳалари тасдиқланди: уларнинг ҳаммаси устига қўзичоқ терисини ёпинган бўри! Бўрининг есаям, емасаям оғзи қон! Лекин аёллар-чи?! Ахир эркаклар осмондан тушган фаришталар билан топишиб кетаётгани йўқ-ку! Демак, қарс икки қўлдан! Эҳтимол, шу тобда ўшанақа фаришталардан бирontаси эрининг бошини айлантираётган бўлса-чи?

Салима бир зум эрини Янгибой тоифасидаги эркакларга қиёслаб кўрди. Унинг аввалги ҳаёти, уйлангунча кечган номаълум ўтмишини тасаввур қилишга уринди-ю, кўнглида мубҳам шубҳа уйғонди. Майли, тўйгача нима бўлса бўлгандир, аммо...

Салима кийиниб, дам олиш хонасига чиқди. У ерда Ҳалимжон билан Янгибой юмшоқ ўриндиққа ястаниб ўтирганча бамайлихотир чой ичишаётган эди. Олдиларидаги ихчам столда чойнак, пиёла, ялтироқ қоғозда шоколад. Салима уларнинг саломига беихтиёр енгил бош ирғаган бўлди-ю, пойгакдаги узун диван четига омонат ўтирди. Шу ерда озроқ нафас ростлаб олмоқчи бўлди: илиқ-иссиқ муолажадан кейин дарров кўчага чиқмагани маъқул.

Дераза олдида улкан тувакка манзара учун ўтқазилган аллақандай хорижий ўсимликнинг қалин, катта япроқларини ёшгина ҳамшира қиз нам дока билан артиб, тозалар, кенг хонада булардан бошқа ҳеч кимса йўқ эди.

— Чой ичинг, Салимахон! — деди Янгибой бўшаган пиёлага чой қуйиб. Ҳалимжон пиёлани олиб, ўрнидан турди. Ўзини ноқулай сезиб, сиқилиб ўтирган Салима гўё бу гапни эшитмагандай, сассиз жойидан қўзғалиб, ташқарига чиқиб кетди. Йўлакка ўтганда терлари ҳали қотмаганини сезди ва бўйнини сочиқ билан ўраб олди.

Хонага кирганда Рукия бир ўзи ухлаб ётар, Маъмура опанинг жойи чиройли йиғилган, бош томонида оппоқ ёстиғининг бурчак-қирраси тепага чиқарилган эди. Салима оёқ учида, шарпасиз юриб, каравотига яқинлашди. Ечиниб, аста жойига чўзилди. Бутун вужудида худди ҳаммомдан кейин бўладиган ёқимли бир чарчоқ – ҳалимлик туйди. Ширин мудроқ босди-ю, кўзлари ўз-ўзидан юмила қолди. Орадан қанча вақт ўтди — билмайди, ёш боланинг овози қулоғига чалингандек бўлди. Олдинига бу товуш ҳозир кўраётган тушининг давомидек туюлди, ижирғаниб, ёнбошига ағдарилди.

«Ойи, туринг, биз келдик! Ойи!..» - энди бу овознинг туш эмаслигини фаҳмлаб, аста кўзларини очди. Рукиянинг каравоти олдида ўша қош-кўзлари қопқора, сочлари пешонасига тушган, попукдек болакай ойисининг уйғонишини кутиб, мўлтар термулиб турарди. Салиманинг юраги ҳаприқиб кетди. Шу ҳолат, айни шу лаҳза хотирасига муҳрланиб қолди. Беихтиёр ўзини Рукиянинг ўрнига қўйиб кўрди. Ўз вақтида фарзанд кўрганда, тўнғичи ҳозир шу бола билан тенг, йўқ, ундан ҳам каттароқ бўларди. Унда балки яна ўн йилдан сўнг невара ҳам кўрармиди?.. Қизиқ, ёш бўлатуриб бобо, эна бўлиб қолиш ҳеч гап эмас экан-да. Одамлар умрининг ўтиб бораётганини, қариётганини бола-чақаси, невара-чеварасига қиёслаб илғайди. У эса... Ҳа, унинг ёши бир жойда тўхтаб қолган, гўё турмуш қурган йили қандай бўлса, ҳалиям ўша-ўша...

Қизалоқ аста ёстиққа яқинлашди. Энгашиб, ойисининг юз-кўзларини силаб-сийпади. Рукия уйғонди-ю, суюнганча боласини маҳкам бағрига босди. Онабола шу кўйи анча туриб қолишди.

— Соғиндингми?

— Ҳмм.

— Дадангбилан келдингми?

— Ҳмм...

— Қани ўзи?

— Пастда кутиб ўтирипти.

— Майли, сен тушавер, мен орқангдан бораман...

Болапақир орқасига қарай-қарай, ноилож чиқиб кетди. Рукия эринчоқ мушукдек чўзилиб керишди ва аста ўрнидан турди. Жойини нари-бери йиғиштирган бўлди, халатини кийди, ойнага қараб, афт-ангорини тузатди. Салима уни ярим юмуқ кўзлари билан зимдан кузатганча қимирламай ётаверди. Эшик очилиб ёпилгач, хонада ёлғиз қолганини билиб, шипга тикилиб қолди. Ҳозир пастга етган бўлса керак, дея ўзича хаёл қилди. Қизиқ, эри билан қандай кўришаркин? Нима ҳақда гаплашаркин? Уни соғинармикин? Соғинса нега уйига бормайди? Ўзининг айтишича, уйи бу ердан кўпам олис эмас экан. Яқин-атрофда яшайдиганлар дам олиш кунлари бемалол уйларига бориб келишади. У эса ҳали бирон марта бормади. Янгибойнинг машинасида эса аллақаёкларга сайр қилиш учун вақт топади. Тавба, эри билиб қолишидан қўрқмасмикан? Худди бутун ҳаётини гаровга тиккан одамга ўхшайди-я?

Салима Янгибой билан салом-аликни йиғиштиргандан сўнг Рукия яна ўзини яқин тута бошлаган, аммо ҳали чинакамига дардлашиб, очилгани йўқ эди.

Бугун шанба. Маъмура опа уйига кетган, эртага қайтса керак. Рукия опанинг олдида ҳар қанча шўхлик. ҳазил-мутойиба қилиши мумкин, аммо изҳори дилга ботинолмайди. Барибир опада одамни ҳушёр-сергак тортишга ундайдиган бир сир-салобат бор.

Шу лаҳза йўлакдан кимдир гурс-гурс юриб келиб, остонада тўхтаб қолди. Сўнг эшик қия очилди. Рукия қайтгандир (уйдагилар билан узоқ гаплашмайди) деб ўйлади-ю, бошини кўтарди.

— Ҳм, кечирасиз... йўқмилар?

Салима ялт этиб овоз келган томонга ўгирилди. Остонада ёғ босган япасқи оқ халат, бошига оқ қалпоқ кийган Собир Рукиянинг жойига ишора қилиб, жавоб кутарди. У шифохонанинг ўз одами эмасми, бемаврид — бемаҳал ташрифи ортиқча шубҳа уйғотмаслигини билар, шунинг учун истаган маҳали шунақа бостириб келаверар эди.

Салимага шу тобда туриб кетиш ёки шундай ётавериш ҳам, саволга жавоб бериш ҳам оғир — эриш туюлди.

— Уйидан келишган экан, пастга тушиб кетди.

Собир индамай орқасига қайтди. Салима бир зум енгил тортгандай бўлди-ю, барибир диққати ошиб, ичиб турган ошига пашша тушгандек, беҳузурлик туйди.

Бунақа етти ухлаб тушига кирмаган муомала-мулоқотларга мутлақо дахлсиз бўлишни истар, бирон тасодиф туфайли аралашишга тўғри келса, ҳар гал ўзини гуноҳга шерик бўлаётгандек ҳис этар эди.

Эсида, бир гал Рукия тепада, Янгибойнинг ҳузурида одатдаги базми жамшидни қизитиб, ўзлари ҳам қизишиб-қизаришиб ўтирганда эри қизи билан тўғри хонага кириб келган. Салима Маъмура опанинг ишораси билан ноилож индамай тепага чиқиб кетган. Уларни огоҳлантириб, «ҳузур-ҳаловатини бузиш»ни ўйлаб, боши қотиб турганда рўпарасидан Ҳалимжон чиқиб, мушкули осон бўлган.

Қизиқ, мабодо одамзотнинг ҳар бир босган қадами сарҳисоб қилиб борилса, у дунёда Мункар-накирнинг сўроқ қилиши рост бўлса, ўша кунги холис хизмати (холисми?) тўғриликми ёки эгриликми? Буни ўзи ҳам яхши билмайди. Агар чиқиб, Рукияни огоҳлантирмаса, эри сезиб қолиши, бирон кори ҳол бўлиши мумкин эди. Огоҳлантирса, ўз-ўзидан Рукиянинг гуноҳига шерик-хайрихоҳ. Қизиқ, тўғри одам бунақада нима қилиши керак ўзи? Ажабо, бу кўҳна дунёда ҳамиша, ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда тўғри бўлиб қолишнинг иложи борми?. «Ёмоннинг касофати уради», дейишади. Одамзот ўз умрида тўғрига ҳам, эгрига ҳам кўп йўлиқади. Қайси тоифа кўпроқ дуч келса, ўша кўпга ўхшаб кўринади. Лекин аслида-чи? Бу дунёда тўғри кўпми ёки эгри, у ёғи ёлғиз Яратганнинг ўзига аён.

Рукия қўлида каттакон сумка билан хонага кириб келганда Салима ўрнидан турган, айвондан ташқарини томоша қилаётган эди.

— Келинг, овқат совумасин, — Рукия сумкани жовончага қўйиб, яхшилаб ўралган сирли идиш қопқоғини очди. Иссиқ буғ кўтарилди, устига мурч, пиёз сепилган манти ҳиди иштаҳани қитиқлади. Салима тортиниб, ҳадеганда келавермади. Шундай маҳал ҳар сафар ўзини ноқулай сезади, ийманади. Уйи олис, бу ерда уни ҳеч ким йўқламайди, аммо Маъмура опа билан Рукия ҳар гал қўярда-қўймай бирга тамадди қилишга қисташади.

— Келмайсизми энди?! — деди Рукия бетоқат бўлиб. Салима ноилож бориб ўтирди. Уй овқатини жудаям соғинган эди.

— Олинг, ҳали совумапти, — деди Рукия овқатга қўл узатиб.

Салима овқатнинг ёғини оқизмаслик учун авайлаб ушлаб, ея бошлади.

— Мазали бўпти, ким пиширсаям пазанда экан! — Салима таомни астойдил мақтади.

*(Давоми бор)*

## АЖИБ ОЛАМ

### КУРСИМИ ЁКИ ПОРТРЕТ?

Кореялик дизайнер Кванг Ху Ли ғалати йиғма-курси ясади. Тасаввур қилинг-а, деворда осиғлик портретни оласизда, бир қайириб курси ҳолига келтирасиз ва бемалол унда дам олиб ўтиришингиз мумкин. Аммо бир хижолатчилик бор: бу курсининг ўтирадиган қисмида Леонардо Да Винчининг "Жаконда" портрети ётади. Албатта, портрет асл эмас, шунчаки нусхаси.



Кванг Хунинг бу кашфиёти ҳайратланишга арзиши мумкин, бироқ, барибир жаҳон маданиятининг ноёб тимсолига ҳурматсизлик эмасмикан, деб ўйлаб қоласиз.

### 13 ЁШЛИ БАЙРОҚДОР



Сиз суратда кўриб турганингиз 1959 йилда Америка штатларидан бирига айланган Аляска байроғининг тасвиридир. Хўш, нима бўпти, дейсизми? Гап шундаки, бу байроқнинг муаллифи Аляскада туғилиб ўсган Бенни Бенсон исмли 13 ёшли ўспирин бўлган. Байроқ тасвири 1926 йилда чизилган. 1927 йилда расман Аляска ҳудудининг рамзи сифатида қабул қилинган.

### ОЗОДАЛИК УЧУН ТОПИЛМА

АҚШнинг Пенсильвания штатидаги "Хейзлтон" миллий боғи мутасаддилари йўлакларга ўрнатилган оддий ахлат қутилари ўрнига айиқ, қуён, бўри ва бошқа эртак қаҳрамонлари шаклида ясалган ахлат қутиларини қўйиб чиқдилар. Барча ҳайвонлар оғизларини очиб турган ҳолда ишланган. Бу ҳайкал-қутиларининг оғзига бирон нарса ташласангиз, ундан чиройли, майин овозда шундай сўзлар жаранглайди: "Боғимиз озодалиги ва ободлигига ҳисса қўшганингиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз!"

Бу "кашфиёт"дан айниқса, болажонлар роса хурсанд. Улар катта қизиқиш билан атрофда ётган қоғоз, елим халтачалар, консерва, музқаймоқ банкалари, баклажка ва бошқа чиқиндиларни йиғиб келиб, ахлат қутиларга ташлай бошлайдилар. Тез орада боғнинг ҳамма тозаси озода бўлиб қолди. Бундай махсус ахлат қутилар бошқа шаҳарлардаги кўча ва хиёбонларга ҳам ўрнатилса, айни муддао бўларкан, нима дедингиз?

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ТАНЛАГАНИНГИЗ СИЗГА МУНОСИБМИ?

## ЁХУД ЯНГИ ЙИЛ—НАВРЎЗДАН БОШЛАНАДИГАН ТОЛЕНОМА

***Бир замонлар Шарқ халқлари орасида фарзандининг бахтини ўйлаган ота-оналар ёки келин-куёвларнинг ўзлари мунажжимларга мурожаат этишиб, буржларига қараб, улар қураётган ОИЛА қай даражада мувофиқ келиш-келмаслигини билишга қизиққанлар. Шу маънода биз неча асрлар ўтсада, гоҳ инкор қилиб, гоҳи эса эътироф этиб келаётган илми нужум(астрология)да ҳар бир бурж вакилининг ҳаёт йўли, мақсад ва маслаги, феъл-атворидан тортиб, ҳатто туғилган вақти-соатигача ўзига хос хусусиятга эга эканлиги айтилади. Албатта, оила қуриш, бахтли ҳаёт кечириш, бир сўз билан айтганда, ҳамма ҳавас қилса арзигулик эр-хотин бўлиш —осмонга термулиб, мўъжиза кутмоқ билан баробар тушунча. Шундай бўлса-да, одамзот пайдо бўлганидан бери ўз тақдир-аъмоли ҳақида кўп қайғуради. Айниқса, куёвлик ёки келинлик либосини кияётган ёшлар “эртага мени қандай қисмат кутаётган экан?” деган саволга жавоб топишга жуда қизиқадилар. Шу боис биз бутун авлод-аждодларимиз “Янги кун”, “Янги йил”, “Йилбоши” дея қадрлаб, эъзозлаб келган Наврўзи олам арафасида шарқона нужумий толеномалардан бирини эълон қилмоқни лозим топдик.***

***Дарвоқе, ушбу маълумотларга қатъий риоя қилиш керак, буларнинг бари мутлақ ҳақиқат, дейишдан йироқмиз. Зеро, “кўнгил кўнгилдан сув ичади” деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.***



**ҲАМАЛ**
**(21.03–20.04)**

**Ҳамал+Ҳамал=** Мунозарали

**Ҳамал+Савр=** Бахтли никоҳ бўлиши мумкин.

**Ҳамал+Жавзо=** Ўртада севги бўлса-да, бардавомлиги шубҳали.

**Ҳамал+Саратон=** Зиддиятли ва муаммолар кўп.

Ҳ**амал+Асад=** Бахтли ё бахтсиз бўлиш уларнинг шахсий толеномалари қай даражада мувофиқ келиши ҳамда ораларидаги севги кучига кўпроқ боғлиқ.

**Ҳамал+Сунбула=** Муаммоли никоҳ.

**Ҳамал+Мезон=** Бахтли никоҳлар кам.

**Ҳамал+Ақраб=** Бу никоҳда икки томон ҳам муросасоз ва тенгҳуқуқли бўлса мустаҳкам.

**Ҳамал+Қавс=** Никоҳлари бахтли бўлиши мумкин.

**Ҳамал+Жадйи=** Омадли никоҳлар камроқ.

**Ҳамал+Далв=** Муваффақиятли.

**Ҳамал+Ҳут=** Ниҳоятда зиддиятли.

**САВР**
**(21.04–21.05)**

**Савр+Савр=**Ҳавас қиларли оила.

**Савр+Жавзо=**Мустаҳкам ва давомийлигига кафолат йўқ!

**Савр+Саратон=**Ибратли никоҳ бўлиши мумкин.

**Савр+Асад=**Узоқ давом этишига ишонч кам.

**Савр+Сунбула=** Мустаҳкам никоҳ.

**Савр+Мезон=**Никоҳнинг узоқ давом этиши даргумон.

**Савр+Ақраб=**Зиддиятли.

**Савр+Қавс=**Анча мунозарали кечади.

**Савр+Жадйи=**Ибратли бўлиши мумкин.

**Савр+Далв=**Аксарият ҳолларда зиддиятлироқ.

**Савр+Ҳут=**Ишончли никоҳ бўлиши мумкин.

**ЖАВЗО**
**(22.05–21.06)**

**Жавзо+Жавзо=**Никоҳлари бутун бўлмайди, иккинчи, ҳатто учинчи марта турмуш қуришлари ҳам мумкин.

**Жавзо+Саратон=**Мунозаралироқ.

**Жавзо+Асад=**Кўпинча бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Асад иззатталаб ва ғурурли эканлигини ҳадеб намойиш этавермаса, ёки Жавзо ҳам пала-партишликдан воз кечса, яхши яшаб кетишади.

**Жавзо+Сунбула=** Анча зиддиятли никоҳ.

**Жавзо+Мезон=**Никоҳнинг ниҳояси ажралиш билан тугаши мумкин.

**Жавзо+Ақраб=**Зиддиятли.

**Жавзо+Қавс=**Афсуски, муваффақиятли эмас.

**Жавзо+Жадйи=**Бундай никоҳнинг давомийлиги шубҳалироқ.

**Жавзо+Далв=**Ҳавас қилса арзийди.

**Жавзо+Ҳут=**Феъл-атворлари бир-бирига тескари, омадсизроқ никоҳ.

**САРАТОН**
**(22.06–22.07)**

**Саратон+Саратон=**Ниҳоятда зерикарли никоҳ.

**Саратон+Асад=** Охири омадли тугаганлари кам.

**Саратон+Сунбула=** Намунали турмуш.

**Саратон+Мезон=**Зиддиятли кечади.

**Саратон+Ақраб=**Ибратли никоҳ.

**Саратон+Қавс=**Икки ўртада самимий дўстлик ва ҳамкорлик бўлиши мумкин.

**Саратон+Жадйи=**Аксинча, куёв—Жадйи, келин—Саратон бўлса хайрли кечади.

**Саратон+Далв=**Муваффақиятсиз никоҳ.

**Саратон+Ҳут=**Жуда кўнгилли, демак, омадли никоҳ.

**АСАД**
**(23.07–23.08)**

**Асад+Асад=**Афсуски, омадсиз.

**Асад+Сунбула=**Эҳтимолдан кўра, гумонлироқ никоҳ. Лекин икки ўртадасамимий дўстлик сақланиб қолади.

**Асад+Мезон=** Ибрат қилса арзийди.

**Асад+Ақраб=** Гумону, лекин эр— Ақраб, аёл—Асад бўлса, турмушлари хайрли кечади.

**Асад+Қавс=**Эркак—Асад бўлса ибратли оила бўлиши мумкин.

**Асад+Жадйи=**Муваффақиятли оила кам учрайди.

**Асад+Далв=**Мунозаралию, лекин бир-бирларини тушуниш орқали вазият изга тушиб кетади.

**Асад+Ҳут=**Йўқ, мос келмайди.

**СУНБУЛА**
**(24.08–23.09)**

**Сунбула+Сунбула=**Жуда кам учрайдиган ҳолату, аммо гоҳида бўлиши мумкин.

**Сунбула+Мезон=**Зиддиятли ва муваффақиятсиз.

**Сунбула+Ақраб=**Мунозарали.

**Сунбула+Қавс=**Омадсиз никоҳ.

**Сунбула+Жадйи=**Кўпчилик эътироф этса арзигулик никоҳ бўлиши мумкин.

**Сунбула+Далв=**Муваффақиятли тугамайдиган никоҳ.

**Сунбула+Ҳут=**Омадсизроқ.

**МЕЗОН**
**(24.09–23.10)**

**Мезон+Мезон=**Аксарият ҳолларда омадсиз якун топади.

**Мезон+Ақраб=**Зиддиятли, лекин эркак Мезон бўлса ўртадаги никоҳ омадли кечиши мумкин.

**Мезон+Қавс=**Ораларидаги муҳаббат собит бўлса, муаммоли вазият юмшайди.

**Мезон+Жадйи=**Мунозарали, муроса йўли уларни бирлаштиради.

**Мезон+Далв=**Агар эр Мезон бўлса, берди Худо, аксинча бўлса, урди Худо, деяверинг.

**Мезон+Ҳут=**Никоҳлари омонат бўлса-да, ўрталаридаги дўстона муносабат сақланиб қолиши мумкин.

**АҚРАБ**
**(24.10–22.11)**

**Ақраб+Ақраб=**Омадсиз.

**Ақраб+Қавс=** Омадсиз.

**Ақраб+Жадйи=**Бундай никоҳга ҳавас қилаверинг!

**Ақраб+Далв=**Фақат самимий муносабатгина сақланиб қолиши мумкин.

**Ақраб+Ҳут=**Жуда омадли никоҳ.

**ҚАВС**
**(23.11–21.12)**

**Қавс+Қавс=** Хайрли никоҳ бўлиши мумкин.

**Қавс+Жадйи=** Ўртадаги ўзаро ишончгина бу никоҳни мустаҳкам қилади.

**Қавс+Далв=**Омадли турмуш.

**Қавс+Ҳут=**Афсуски, муваффақиятсиз.

**ЖАДЙИ**
**(22.12–20.01)**

**Жадйи+Жадйи=**Юз фоиз кафолат бўлмаса-да, ўртача никоҳ бўлиши мумкин.

**Жадйи+Далв=**Мунозаралироқ.

**Жадйи+Ҳут=**Агар эркак Ҳут бўлса янада яхшироқ никоҳ бўлиши мумкин.

**ДАЛВ**
**(21.01–18.02)**

**Далв+Далв=**Намунали никоҳ.

**Далв+Ҳут=**Зиддиятлироқ.

**ҲУТ**
**(19.02–20.03)**

**Ҳут+Ҳут=**Бундай никоҳдан яхшилик кут!

**Моҳинур ҚОДИРОВА**
**тайёрлади.**

---

**«ЭНГ ЗУККО ОИЛА»**

# ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

**1.** Ҳаким ат-Термизий: «Ҳар қандай йўқотишдан қўрқманг. Фақат битта нарсани йўқотиб қўйишдан қўрқинг!» — деган. Буюк аллома бу ўринда нимани назарда тутган эди?

**2.** Ибн Синодан: «Агар «тила тилагингни» деса, Яратгандан нималарни тилаган бўлардингиз», деб сўрадилар.

Шунда олим: «Учта нарсани сўраган бўлардим», — дея, биринчи соғлиқни ва иккинчи давлатмандликни айтади. Албатта, учинчиси — энг муҳими!

Хўш, оилангиз билан биргаликда бир мулоҳаза қилиб кўринг-чи, Ибн Сино сўрамоқчи бўлган учинчи нарса нима эди?

Ҳаёт ўзининг сирли саволлари билан қизиқарли. Ҳар қадамда бир жумбоқ бор. Азиз муштарийлар, ушбу рукнимизда сизга ва оилангизга бераётган саволларимизга жавоб ёзинг ва газетамизнинг «Энг зукко оила» кўригида қатнашинг.

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG‘URTA»**

**жамоаси барча юртдошларимизни, мижоз ва ҳамкорларимизни қадимий айём—Наврўзи олам билан чин дилдан кутлайди ва қуйидаги суғурта турларини тақдим қилади:**

- ***Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;***
- ***гаровга қўйилган мол-мулкларни комплекс суғурта қилиш;***
- ***транспорт воситаларини суғурта қилиш;***
- ***ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш;***
- ***йўлдаги мол-мулкларни (юкларни) суғурта қилиш;***
- ***кредитларни суғурта қилиш;***
- ***тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш;***
- ***лизингга олинган қишлоқ хўжалик техникаларини суғурта қилиш;***
- ***қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг бўлғуси бошоқли дон экинларидан (буғдой, арпа, сули, жавдар) кам ҳосил олиши натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш;***
- ***қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирувчиларнинг пахта экинидан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарларни суғурта қилиш.***

**ОАЖ «AGRO INVEST SUG’URTA» — бизнесда энг ишончли ҳамкор!**

**ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 273-74-86 (факс), 273-74-69, 273-74-59**

**Муҳтарам муштарийлар! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифалар бепул илова қилинмоқда.**

**Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat.uz**

**E-mail: oilavajamiyat@mail.ru oilavajamiyat@rambler.ru**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 232. Формати А-3, ҳажми 6 табоқ.
Адади – 12661
Навбатчи — **Санобар ФАХРИДДИНОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

**ISSN 2010-7609**

2 3 4 5 6 7 8